151294

Илм — ўзни билмакдир

МАҒРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси — 1931 йилдан чиқа бошлаган — 1994 йил 7 декабрь, чоршанба — Баҳоси сотувда эркин нархда. 55 (6643)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлидаги беқиёс хизматлари учун мукофотлансин:

"МУСТАҚИЛЛИК" ордени билан

Абдулла ҚОДИРИЙ (Жулқунбой) халқ ёзувчиси (марҳум).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК БЎЙИЧА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1994 йилги Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан энг яхши ижодий ишлар учун 1994 йилги Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

АДАБИЁТ СОҲАСИДА

Тоғай МУРОД (Тоғай МЕНГНОРОВ)га "Отамдан қолган далалар" романи учун

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК СОҲАСИДА

Илҳом ЖАББОРОВ ва Камол ЖАББОРОВга Тошкент шаҳрида ўрнатилган Амир Темур ҳайкали учун

ТАСВИРИЙ САНЪАТ СОҲАСИДА

Лутфулла АБДУЛЛАЕВга "Замондошларим" мавзуидаги рангтасвир асарлари ҳамда атоқли ўзбек адиблари китобларига ишланган расмлар туркуми учун

Алишер МИРЗАЕВга Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романига бағишланган суратлар альбоми ва сўнгги йилларда яратилган энг яхши рангтасвир асарлари учун

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 3 декабрь.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.



КОНСТИТУЦИЯМИЗ — ФАХРИМИЗ

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг қисқа даврда Ўзбекистон ҳаётида жамият тараққиёти ва давлат қурилишининг янги босқичига ўтиш даврини белгилаб берадиган тарихий воқеалар юз берди.

Бозор иқтисодиётининг мустаҳкам асосларини яратишни, демократик ҳуқуқий давлат қуришни, қонунларнинг юксак ва мустаҳкам обрўга эга бўлишига эришмасдан туриб тасаввур қилиб бўлмаслигини республикамиз Президенти мустақиллик ва тараққиёт сиёсатининг негизи сифатида кўрсатиб берди. Қонун устиворлиги ҳуқуқий давлат фаолиятининг энг муҳим шартидир. Чунки ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар, жамоат бирлашмалари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг фаолияти қонун асосида ва қонун билан ҳамнафас амалга оширилади. Икки йил аввал, аниқроғи, 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунининг 15- ва 16-моддаларида Конституция ва Қонун устиворлиги мустаҳкамланган. Бу моддаларга кўра давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Бош Қомусимизнинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши, ҳар қандай қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат эса Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Янги Конституция асосида кейинги йиллар мобайнида Парламентимиз томонидан 150 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Уларнинг барчаси — инсон ҳуқуқлари, иқтисодиёт, давлат бошқаруви, жамият тизими, маданият ва халқаро муносабатлар соҳасидаги муҳим вазифалар Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган. Бу ҳуқуқий давлат қурилишимиздаги муҳим омиллардан биридир.

Энг муҳими, Конституциямизда қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ҳам белгиланди. Чунончи, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида", "Таълим тўғрисида" (1992 йил 2 июль), "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида" (1991 йил 15 февраль), "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" (1994 йил 5 май). "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида" (1993 йил 6 май) ва бошқа ўнлаб қонунлар Конституция мажмуаларидан келиб чиқиб шаклланди. Ушбу қонунлар фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳар томонлама мустаҳкамлайди ва кафолатлайди.

Айни пайтда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мутахассислар томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик кодекси ва Меҳнат кодекси лойиҳалари тайёрланди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Конституциямиз ҳуқуқий мустаҳкамлиги, давр билан ҳамнафас бўлиб, узоққа мўлжалланганлиги билан алоҳида ўрин тутади. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш, тадбиркорлик, илм олиш ва шу каби масалаларни ўзида мужассамлаштириб, бунга кафолат беради.

Пойдевори йўқ давлатнинг келажаги ҳам бўлмайди. Агар биз бу иборани республикамизга қиёслайдиган бўлсак, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Конституциямиз бизнинг пойдеворимиздир.

Давлатимиз ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари ҳам Конституцияда алоҳида боб билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон мустақиллигига эришиш ва ўз Конституциясига эга бўлиши билан халқаро муносабатларда мустақил, бошқа давлатларнинг аралашувисиз тенг тараф сифатида иштирок эта бошлади.

Республикамиз ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқий меъёрларга, Конституциявий тамойилларга амал қилган ҳолда ўз куч-қудратига, маънавиятига, халқимиз салоҳиятига таянган ҳолда амалга оширилмоқда. Эндиликда жаҳондаги юзлаб ривожланган мамлакатлар билан халқаро муносабатларда очиқ, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро фойдали ҳамкорлик қилинаяпти. Ушбу мақсадларимиз ва сиёсатимизнинг асосий йўналишлари "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида"ги (1991 йил 14 июнь) қонунда белгилаб қўйилган ва шу асосда амалга оширилмоқда.

Конституцияда белгиланган иқтисодий, халқаро, ижтимоий мазмундаги ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларига, ижро ҳокимияти органларига ва суд тузилишига оид қонунлар мажмуини оладиган бўлсак, уларнинг ҳар бири жамиятимиз ҳаётининг зарур соҳасига бағишланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Масалан, қучли ижро этувчи ҳокимият бўлмаса, жамиятда осойишталикни сақлаш, иқтисодиётни, ижтимоий ва маънавий соҳани бошқариш ишлари мураккаб жараёнга айланиб қолиши турган гап. Бош Қомусимиз эса бундай масалаларни ҳал

(Давоми 2-бетда).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг икки йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлди.

Уни Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти ва Ички ишлар вазирлиги академияси уюштирди.

Адлия вазири А.Мардиев, Ички ишлар вазирлиги академиясининг бошлиги У.Тожихонов, Ички ишлар вазирининг муовини Б.Парпиев, Тошкент давлат юридик институти ректорининг муовини З.Исломов республикамиз Конституциясининг аҳамияти, унинг ўзига хос жиҳатлари, ҳаётимиздаги ўрни, демократияни ривожлантириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги моҳияти тўғрисида маъруза қилди.

Конференцияда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизхўжаев қатнашди.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Тошкент туманидаги Ваҳоб Каримов номидаги 1-ўрта мактаб ўқувчилари бахт қомусимиз — Конституция кунини ўқиш ва жамоат ишларида фаоллик билан нишонлашга аҳд қилишди. Шу билан бирга бу санага бағишлаб билим масканида қизиқарли тадбирлар ўтказиш ҳам режалаштирилган. Улар мустақил диёримизни, озод ва обод турмуш сари катта бунёдкорлик ишларини олиб бораётган халқимизни мадҳ этувчи шеърлар, қўшиқлар, дилрабо рақслар мажмуидан иборат мусиқали дастурни тайёрлаб, намойиш этадилар. 7-"А" синф ўқувчилари инглиз тилида деворий газета чиқаришди. 5-"А", 5-"В", 6-"В", 6-"Г" синфларнинг фаол ўқувчилари ҳам "Конституция берган бахт" мавзуида альбом ва рефератлар тайёрлашди.

Рихсивой ТИЛЛАЕВ,
шу мактаб ўқитувчиси.

ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

6 декабрь куни Республика Киночилар уйида буюк адиб Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди. Кечани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов очди. Зал узра Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради. Республика Президентининг Фармонига кўра ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлидаги беқиёс хизматлари учун Абдулла Қодирий биринчи бўлиб "Мустақиллик" ордени билан мукофотланган эди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев шу ҳақдаги Фармонни ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов юксак мукофотни адибнинг ўғли Маъсуд Абдуллаевга топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра мамлакатимизда Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган эди. Юбилей арафасида ёзувчи Тоғай Мурод, ҳайкалтарош Илҳом ва Камол Жабборовлар, рассомлар Лутфулла Абдуллаев ва Алишер Мирзаев ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг раиси Пиримқул Қодиров шу ҳақдаги Фармонни ўқиб берди. Э. Халилов мукофотланганларни қутлаб, лауреатлик гувоҳномаси ва нишонларини топширди.

Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, билдирилган катта ишонч ва эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Жамол Камол, "Шарқ Юлдузи" журналининг бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўзбек халқининг миллий ифтихорига айланган Абдулла Қодирийнинг ўлмас асарлари, миллат мустақиллиги билан боғлиқ ниятлари бугунги кунда рўёбга чиққани ҳақида гурурланиб гапирдилар.

Адибнинг фарзанди Маъсуд Абдуллаев республикамизнинг биринчи "Мустақиллик" ордени Жулқунбойга берилгани Қодирийлар авлоди учун унутилмас воқеа эканини айтиб, улуғ адибга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун республика раҳбариятига теран миннатдорлик изҳор этди.

Тантанали кеча охирида республика санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилди.

Юбилей кечасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Шарифхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

БИ-БИ-СИ ЎЗБЕКЧА ГАПИРАДИ

Шу йилнинг 30 ноябридан Би-би-си радиосининг Жаҳон хизмати Ўзбекистон учун ўз эшиттиришларини бера бошлади. Ҳар оқшом — соат 22.00 дан 22.30 га қадар 49.22, 31.30, 25.16 метрли қисқа тўлқинларда ўзбек тилида, шунингдек, соат 22.30 дан 23.00; 23.30 дан 24.00; 00.30 дан 01.00 гача рус тилида Би-би-сини тинглаб, жаҳон ҳамда Ўзбекистон ва Марказий Осиё ҳудудидаги воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни, таҳлилий чиқишларни эшитишингиз мумкин. Шунингдек, бу хизмат ижтимоий, маданий, спорт, иқтисодий ҳамда илм-экологик мавзуларни мунтазам бериб бориш баробарида умумтаълимий эшиттиришларни, яъни инглиз тилини ўргатишни ҳам режалаштирмоқда.

Тошкентда бўлиб ўтган янги хизматнинг очилиш маросимида Би-би-си Жаҳон хизматининг минтақавий раҳбари Девид Мортон сўзга чиқиб, Би-би-сининг Ўзбекистон билан алоқаси бутун дунёдаги тингловчиларга бу минтақадан ахборот беришимизга, ўзбек тингловчиларини эса дунё воқеалари билан таништиришда янги истиқболларни очади, деди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида

ИСЛОҲОТ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Республика Ўқув-методика маркази Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги йирик ташкилотлардан бири ҳисобланади. Унинг зиммасига жумҳурият халқ таълими тизимидаги ўқув юртлари, тарбия муассасаларини услубий жиҳатдан таъминлаш тизимини яратиш, ўқув-методика кабинетлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўқув юртлари ҳаётига таълимнинг янги шакллари ва технологиясини жорий этиш, Ўзбекистон ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш, мактаблар ва ҳунар билим юртларининг умумтаълим фанлари бўйича танлов, олимпиада топшириқлари, жорий ва битирув имтиҳонлари, матн, савол-жавоб ва услубий таъминотини тайёрлаш, тўпланган ҳужжатлар асосида ахборот банкини яратиш каби долзарб вазифалар юклатилган.

Хўш, Марказ ўз вазифаларини қай даражада адо этмоқда? Умуман айтганда, унинг фаолияти бугунги кун талаби даражасидами?

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг топширигига биноан, шу йил 14—26 ноябрь кунлари 18 кишидан иборат нуфузли гуруҳ бу саволларга аниқ жавоб топиш мақсадида Марказ фаолиятини ўрганди. Халқ таълими вазирлигининг ўтган жума куни бўлган навбатдан ташқари ҳайъат йиғилишида ана шу текшириш якунлари муҳокама қилинди. Шунга кўра, йиғилиш аввалида нуфузли гуруҳ раҳбари Қудрат Мўминхўжаевнинг текшириш натижалари ва улардан келиб чиқадиган хулосалар ҳақидаги ахбороти тингланди.

Маърузачининг таъкидлашича, Марказ йиллик ва 1994—2000 йилларга мўлжалланган истиқбол иш режасига эга. Жамоа раҳбарлари ва методистлари ўртасида иш тақсимоти ва вазифалари белгиланган. Мутахассислар вазирлик бошқармалари, илмий ва педагогик институтлар жамоалари билан ҳамкорликда таълим фанлари ва йўналишлари бўйича 22 концепция лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашганлар. Умумтаълим мактабларининг 12, янги турдаги ўқув муассасалари учун 21, айрим фанларни чуқур ўрганиш бўйича 23, ҳунар-техника билим юртлари, лицейлар учун 160, педагогика ўқув юртлари учун 32 турдаги ўқув режаларини ишлаб чиққанлар.

Марказ ўз вазифасини бажариш мақсадида 36 таълим фанлари ва йўналишлари бўйича илмий-методик кенгашлар ташкил этган. 1991—94 йиллар мобайнида "Ўқитувчи" нашриёти билан ҳамкорликда ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун жами 79 миллион 224 минг нусхада кутубхона жамғармаси дарсликларни чоп этиб, бу борадаги режани тўла бажарган. Шу вақт ичида мактаблар учун 372, педагогика институтлари ва билим юртлари учун 117, ҳунар-техника билим юртлари учун 11 номда ўқув адабиётлари нашрдан чиқарилган.

Вазирлик тизимидаги ўқув-тарбия муассасаларини 1995—2000 йилларда лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида ўқув-методик адабиётлар билан босқичма-босқич таъминлаш жадвали, унинг сарф-харажатлари ҳисоби ишлаб чиқилган. Бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Ҳар йили умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида 16—18 фан бўйича олимпиадалар ўтказиб борилмоқда. Жумладан, 1992—93 ўқув йилидан бошлаб олимпиадаларни янги усулларда — тест-синов асосида, ЭҲМлар ёрдамида ўтказиш жорий этилган. 1993—94 ўқув йилида эса математика фанидан сиртқи телевизион республика олимпиадаси ўтказилди.

Марказ томонидан республика ўқувчиларининг кимё, биология, чизмачилик фанларидан халқаро олимпиадаларда, инглиз, немис, француз тиллари бўйича хорижий давлатларда бўлган ўқувчилар олимпиадаларида иштирок этишлари таъминланган. Республика Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда ижобий ишларга қўл урилган. Бироқ, шунга қарамай, Марказ фаолиятида қатор хато ва камчиликлар, ҳал қилинмаган муаммолар ҳам мавжуд. Чунончи, Марказ тизимидаги штат бирлигида бўлимлар сони беҳуда кўпайтириб юборилган, фанлар ва йўналишлар интеграциясига амал қилинмаган. Мавжуд штат бирлигидан ҳам тўлиқ фойдаланилмаган. Оқибатда ҳозирга келиб 42 услубчи ва 17 маъмурий ҳўжалик лавозими бўш қолган. Марказ раҳбарияти кадрларни касби, савияси ва қобилиятига қараб танлаш механизмини жорий этмаганлиги туфайли кадрлар қўнимсизлиги авж олган. 1991—1994 йиллар ичида 155 услубчи (ишлаб турганларнинг 100 фоизи) ишдан бўшаб кетган. Меҳнат таълими ва ёпларнинг техник ижодкорлиги, техника воситалари ва инновация, чет тиллар методикаси ва хорижий мамлакатлар педагогикасини ўрганиш бўлимларига мутахассис бўлмаган кишилар масъул, ҳатто раҳбарлик лавозимларига тайинланганлар. Бир қатор бўлимлар ўқув юртлари ва муассасаларининг методик таъминоти билан тўлиқ шуғулланмаган. Марказ кенгаши иш режасига киритилган масалалар муддатидан кеч ёки умуман муҳокама қилинмаган.

Ўқув-методик адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш масалалари билан шуғулланишда Марказ раҳбарияти, бўлим раҳбарлари масъулиятсизликка йўл қўймоқдалар. Шу билан бирга "Ўқитувчи" нашриёти 1994 йилда режадаги 74 та ўрнига 72 номда дарсликлар нашр этган. Шундан фақат 57 номидагиси тўлиқ нусхада бўлиб, мактаблар эҳтиёжи 50 фоиз қондирилган. Шу йили 203 номдаги ўқув адабиётларидан фақат 30 номдагиси чоп этилган.

Бундан ташқари Марказнинг кичик ҳажмдаги нашр режасига киритилган ўқув адабиётларини босмадан чиқариш 42 фоизни ташкил этган. Нашр қилиш режасини тўғри шакллантириш, чоп этилаётган материалларнинг жойларга етиб бориши таъминланмаган.

Педагогика институтларининг методик таъминоти масаласи ҳам бўлимлар эътиборидан бутунлай четда қолган. Илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш яхши йўлга қўйилмаган. Ҳунар-техника таълими, педагогика ва психологик диагностика, мактабгача тарбия, ўқитувчилар билан ишлаш бўлимлари фаолиятида жиддий камчилик-хатолар учрайди. Раҳбарият ҳисобчи ва моддий жавобгар шахсларни танлаш ва жой-жойига қўйишда йўл қўйган хатолар туфайли бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи ишлари қониқарсиз аҳволга тушиб қолган.

Маърузачи ўз ахборотининг сўнгида Марказнинг янги Низоми, таркибий тузилиши ва штат жадвалини қайта кўриб чиқиш лозимлигини, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан текшириш гуруҳининг таклиф-хулосаларини ўртага ташлади. Муҳокамаларда РУММнинг директор ўринбосарлари Раҳим Аҳроров, Олимжон Бобожонов, Қодир Фозилҳўжаевлар, Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини Баҳром Қодиров, вазирнинг биринчи ўринбосари Йўлдош Санджоновлар ҳамда Ўзбекистон Президенти девонининг етакчи консультанти Ислом Турсунов Марказ фаолиятида юзага келган камчилик-нуқсонлар ҳақида батафсил фикр юритдилар, бу ҳолнинг туб сабабларини изоҳлаб бердилар.

— Республика Ўқув-методика маркази Халқ таълими вазирлигининг бамисоли ўриб турган юраги бўлиши лозим, — деди Ислом Турсунов. — У таълим ўчоқларини услубий жиҳатдан таъминлаши, янгича иш юритаётган муаллимларни аниқлаши, ўзига хос иш услубларини синовдан ўтказиши, шундан кейин кенг оммалаштириш чораларини кўриши лозим. Афсуски, бу борадаги ишлар кўзга ташланмайди. Ҳолбуки, ўз таълим услубига эга ижодкор педагогларимиз кўплаб топилади.

Ҳайъат раиси Жўра Йўлдошев таълимнинг янги шакллари ва илғор педагогик технологияни кенг ўрганиш ва жорий этишда, педагогларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатишда Ўқув-методика марказининг ўрни бу борадаги вазифаларга тўхталди.

Ҳайъат йиғилиши муҳокама якунига кўра, халқ таълими муассасаларининг услубий таъминотини тубдан яхшилаш мақсадида РУММ фаолиятини тўхтатиш ва унинг асосида республика Таълим услубиёти маркази ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Шунга кўра, масъул шахсларга янги Марказнинг Низоми ва штат бирликлари жадвалини ишлаб чиқиш, янги ташкилий қўмита таркиби ҳақида таклиф тайёрлаш, собиқ РУММ фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш тадбирларини белгилаш вазифалари топширилди.

Ҳайъат йиғилишида кун тартибидаги иккинчи масала — "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1995 йилги иш режаси" ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

ҒУРУРЛИ ЁШЛАР — ВАТАН КАМОЛИ

Республика Ўқув-методика марказида Конституциямизнинг икки йиллигига бағишлаб "Истиқлол мафкураси ва ёшларни миллий ғурур, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очди ва халқ таълими тизими вакилларини Конституция байрами билан табриклади.

Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази раҳбари, академик Эркин Юсупов "Ёшларни миллий ғурур, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари" тўғрисидаги маърузасида мазкур масаланинг теран моҳиятини кенг ҳамда атрофлича ёритиб берди.

Музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Ж. Туленов, республика Фахрийлар Иттифоқи Кенгаши раисининг муовини С. Охунжонов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг директори, академик А. Асқаров, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири, профессор Б. Тўхлиев, Ф. Исмоилов, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Нормуродов, Тошкент шаҳридаги 22-ўрта мактаб директори Ҳ. Ҳошимов, Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти бўлим бошлиғи, психология фанлари номзоди М. Расулевалар ёш авлодни миллий урф-одатларимизга, анъаналаримизга садоқат руҳида, меҳр ва фидойилик руҳида тарбиялашда умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш, истиқлол ва миллий ғурур, ижтимоий фанларни ўқитишда мустақил Ўзбекистон тараққиётининг назарий ва амалий муаммоларини ёритиш, ўқувчиларни мустақил Ўзбекистон рамзларига садоқатли қилиб ўстириш, болалар боғчаларида Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ҳамда республика ўқув-методика Маркази ҳамкорликда ўтказган ушбу анжуман сўнгида "Истиқлол мафкураси ва ёшларни миллий ғурур, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш" бўйича тавсиялар қабул қилинди.

Мухбиримиз.

25 декабрь — Сайловлар куни

117-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар...

ИСТИҚЛОЛГА ҲАМҚАДАМ

Мухтор БОЙБЕКОВ
110-Гўзалкент сайлов округи. Гўзалкент туманидаги 35-ўрта ҳунар-техника билим юрти директори:

— Олий мажлисга депутатлар сайловида демократия ва кўппартиявийликка таянилаётганлиги республикамизда ҳуқуқий давлат қарор топтириш сари қўйилган муҳим қадамлардан биридир.

Мени бу жараённинг яна бир жиҳати, яъни номзодлар орасида таълим-тарбия соҳаси кишиларининг салмоқли ўрин эгаллаб турганлиги қувонтиради. Албатта, бу ҳол давлат аҳамиятига молик масалалар муҳокама қилиниб, маълум бир хулосага келинадиган парламентда маорифнинг ҳам ўз овози бўлишига асос бўлади.

Дастурим ва режаларим хусусида гапирадиган бўлсам, аввало, ўз соҳам, яъни таълим-тарбия ишини такомиллаштиришни бош вазифам деб биламан. Айниқса, кўпчиликнинг ҳунар-техника билим юртларига яқин-яқинларгача мактабдан безганлар макони сифатида қарашлари мени ўйлантиради. Бу гаплар бежиз айтилмаган. Билим юрти раҳбарлари улардан тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим. Негаки, олий мақсади ўқувчиларга ўрта маълумот бериш баробарида уларни бирор-бир касб эгаси қилиб етиштириш бўлган ХТБЮларнинг умумтараққиётга қўшиши лозим бўлган ҳиссси жуда улкан.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 42-бандида таълим муассасаларининг аҳолига, корхона ва ташкилотларга маиший хизмат кўрсатиши ҳамда амалдаги қонунларда ман этилмаган тижорат ишларининг баъзи турлари билан шуғулланишлари мумкинлиги қайд этилган. Иқтисодий муносабатлар ўзгача бир тарзда шаклланаётган бир даврда бундай қарорга келиниши айни муддао. Ҳунар-техника билим юртларида эса юқорида айтилган ишлар билан машғул бўлиб, ўз моддий-маънавий базасини мустаҳкамлаш учун имкониятлар беқиёс. Тажрибамда бунга ўзим амин бўлганман. Келгусида барча билим юртларининг иқтисодий жиҳатдан ўзўзини маблағ билан таъминлашига ўтиши тарафдориман.

Ҳозирда қилаётган ҳамда қилишим лозим бўлган барча ишларим республикамиз раҳбариятининг одилона сиёсатига ҳамоҳанг қадам қўяётган "Ватан тараққиёти" партиясининг халқ турмуш шароитини яхшилаш, иқтисодни юксалтириш, ўлкамизни обод этиш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш каби мақсадлари ва вазифаларини аммалга оширишга қаратилган.

ҚАЛБИДА ҚУЁШ ТАФТИ

27-Юнусобод сайлов округи.

Довруғи бутун республикамизга таралган Юнусободдаги 273-лицей мактабда таълим-тарбия ишлари ўзгача талабчанлик руҳида амалга ошириляпти. Бу зиё масканига Мавлуда Исматовадек жонкуяр ва моҳир педагог раҳбарлик қилмоқда. 1370 ўқувчига 105 нафар фидойи муаллим сабоқ беради, уларнинг 28 нафари фан докторлари ва номзодлари.

Мактабда тиббиёт, педагогика, техник йўналишдаги лицей синфлари ташкил этилган бўлиб, иқтидорли ёшларнинг фан сирларини мукаммал эгаллашлари йўлидаги саъй-ҳаракатлар ижобий самара бермоқда. Билимга чанқоқ ёшлар барча шарт-шароит муҳайё қилинган ўқув даргоҳида эркин ҳаракат қиладилар, домлалар сабоғини қизиқувчанлик билан тинглайдилар, амалиётда эса ўзини талаба-студентдек ҳис қиладилар. Махсус синфларда ўтилган ҳар бир дарс ўқувчи қалбида ўчмас из қолдириши билан ажралиб туради. Кимё дарсларида ўқитувчи кимёгар, ҳам шоир, биология — мўъжизалар олами, информатика — топишмоқчи олим, адабиёт — шеърхонлик, математика — сирли олам... Фанлар чуқур ўзлаштирилаётган махсус синф-ларда тарбия ишлари савияси ҳам ўзгачадир. Зеро, мактаб маъмурияти ҳар бир муаммони ота-оналар, жамоатчилик ва қўмитаси билан баҳамжиҳат ҳал қилади.

— Маорифимизга дахлдор айрим муаммолар юрагимни ҳамиша безовта қилади, — дейди Мавлуда опа ўз сайловолди дастури ҳақида сўзларкан. — Илгариги иш услублари энди ҳеч кимни қониқтирмаяпти. Мустақил республикамизнинг келажаги ақл-заковатли ёшлар қўлида экан, фаолиятимизнинг бош йўналиши ҳам фарзандларимизни баркамол инсон қилиб тарбиялашга асосланган.

Мактаб иши олимларимиз ижодиётидан анча ажралиб қолгани, фан журналларининг миллий тилимизда чоп этилмаслиги, экология фанидан ўқувчилар юқори синфлардагина тушунча олишидан ажабланаман. Гимназия, лицейларнинг ижобий томони яққол кўринган пайтда олийгоҳ ўқитувчиларини мактабга жалб этиш энг самарали усул деб ўйлайман. Машаққатли ўқитувчи меҳнати ҳам зарур даражада тақдирланишга лойиқдир. "Хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвонига эга бўлган муаллимлар жумҳуриятимизда кўп эмаслиги мени ўйлантиради. Фидойи мураббий устозларнинг, кўп болали ва кам таъминланган ўқитувчилар оиласининг уй-жой ва енгил машина билан таъминланишига алоҳида эътибор бермоқчиман.

Ночор оилаларнинг фарзандлари, ногиронлар ва пенсионерлар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, битирувчилар тақдири билан доимо қизиқиш ўсмирлар жиноятчилигининг олдини олиш бўйича тадбирлар ҳам дастуримда муҳим ўрин эгаллайди.

...: Биз Олий Мажлис депутатлигига номзоди қўрсатилган Мавлуда Исматовага эзгу ишларида катта омад тилаймиз.

Замира ТЎЛАГАНОВА.

ЭЛ ҚИЗИ

Уни кечки пайтгача топа олмадик. Мактабдан суриштирсак, ҳозиргина кабинетида синф раҳбарлари билан кенгашиб турган эди, Мангуберди номидаги жамоа хўжалигига жўнаб кетди, дейишди. Хўжаликда ҳам учрата олмадик. Раис: "Ҳа, бир маслаҳатли ишни битиргани келган экан, ҳозирда ремонт заводига кузатиб қўйдик", — деди-да, телефон номерини тера бошлади.

— Комилжон? Ўзингмисан? Салом-салом. Ҳа, Мангуберди хўжалигидан. Бу ерга Марям Шокировнани излаб келишган экан.

Раис телефон дастагини менга узатди...

Мақсадимни айтдим. Марям Шокировна бир оз ўйлаб турдида, нималарнидир чамалаб, ниҳоят:

— Бўлмаса, бундоқ қиламиз, — деди. — Мен бу ердаги юмушларимни битказиб бўлаёздим. Сиз мактабга ўтаверинг, ўша ерда суҳбатлашамиз.

Мана, Марям Алимова ҳозиргина ремонт заводида ҳал қилиб келган ишлари хусусида сўзлаяпти:

— Билсангиз, шу корхона раҳбарлари мактаб-маориф иши хийла мушкул пайтларда жонимизга оро киришаяпти. Директор Комилжон Юсупов ёшлар тарбияси жонкуярларидан. Мактабимизнинг бутун иситиш тизими ишдан чиққан, қувурлар чириб битган экан. Ҳаммасини янгилаб, созлаб, ишга тушириб олишимизга катта ёрдам кўрсатишди. Биринчи қаватни мозаика усулида безатишимизга кўмаклашишди...

— Мактаб иши — жонли бир иш, — дейди у. — Ҳамиша турли муаммолар гирдобидасиз, изланасиз. Ўзингиз ҳам қутмаган пайтда атрофдан қўллаб, ёрдам бериб юборишади, хайрихоҳлик билдиришади. Шу мадад, шу хайрихоҳлик кучимизга куч қўшади, янги бир юмушларга киришиб кетасиз...

Суҳбатдошим бироз ўйланиб турди, кейин қулимсираб сўзлай бошлади:

— Шу мактабга ишга келсам, ҳаммаёқ тартибсиз, кўримсиз. Ишни ўқувчилар мактабга кириб келадиган йўлакни, ҳовлини тартибга солишдан бошладим. Рости, аввалига баъзилар ҳайрон ҳам бўлишди. Йўлакларни асфальтлаб, мактаб ҳовлисини темир панжара билан ўраб олдик. Мактаб атрофи файзли бўлди-қолди. Шунда ниятимни тушунишди...

Мактабнинг теварак-атрофида анчагина ташландиқ ерлар бўларди. Янги директор шу майдонларни текислаб экинзорга, боғ-роғларга айлантириш ҳаракатига тушиб қолди. Қўшни Жалолиддин Мангуберди жамоа хўжалиги раҳбарлари ёрдам қўлини чўзди. Паст-баланд жойлар текисланди. Хўжалик механизаторлари маҳаллий ўғит ташиб, ерларни яхшилаб шудгорлаб беришди. Мактаб маккажўхори экиб, мўл ҳосил етиштирди. Энди шу жойда теракзор барпо этиш тараддудида юришибди.

Тиниб-тинчимас директор шу йилнинг бошларида яна бир "галва"ли ишга қўл урди. Бир қатор тайёргарлик ишлари амалга оширилиб, май ойида боғча болалари билан суҳбатлашилди. Кичкинтойларнингг билими, қизиқиши, иқтидори аниқланиб 26 бола саралаб олинди. Июнь ойидан уларни ўқитиш бошланди. Уч ойлик машғулот якунланиб, сентябрда улар учун математикага ихтисослашган синф очилди. Биринчи чорак якуни бўйича ўқувчилар билими синаб кўрилгач, ҳаммалари тўлиқ иккинчи синфга ўтказилди.

Ташаббускор педагог, халқ таълимининг жонкуяр ташкилотчиларидан бири Марям Алимова ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. У 207-Абулғозий Баҳодирхон сайлов округидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.
Урганч шаҳри.

ФИДОЙИ МУАЛЛИМА — ФАОЛ ТАШКИЛОТЧИ

54-Файзулла Хўжаев сайлов округи.

Жамила ўз касби билан фахрланади, шу касби орқали ёш авлодга таълим-тарбия беришда фаол қатнашиб, эл-юрт истиқболига ҳисса қўшаётганини теран ҳис қилади. 1959 йилда зиёлилар оиласида туғилган, ўрта мактабни олтин медаль билан битирган, сўнг Бухоро давлат педагогика институти математика факультетини тугатиб, ихтисос эгаси бўлган иқтидорли ўқитувчи 1980 йилдан бери Бухоро шаҳридаги 22-ўрта мактабда ишлаб келмоқда.

— Мен Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига "Ватан тараққиёти" партиясидан номзод қилиб кўрсатилганман. Шунинг учун менинг дастурим — бу менинг партиямнинг сайловолди дастуридир. — дейди Жамила Охунова, — бу дастурда баён этилган барча масалаларга тўхталиб ўтирмай, ўзим фаол ҳаракат қилишим мумкин бўлган муаммолар ҳақида гапирмоқчиман. Булар асосан халқ таълими, жамиятимизда аёлларнинг аҳволи, кўп болали оилаларга доир масалалардир.

Халқ таълимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ривожлантириш, ўқитувчи обрў-эътиборини янада ошириш, мактабни фан ва техниканинг энг янги ютуқлари билан жиҳозланишига эришиш учун ҳаракат фаолиятимда асосий ўрин тутади, деб ўйлайман.

Хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрнига оид муаммолар ҳам мени доим тўлқинлантиради. Ҳозирги пайтда улар корхона ва далалардаги меҳнат билан бирга уй юмушлари билан ҳам шуғулланмоқдалар. Натижада улар болалар тарбияси билан етарли машғул бўлишмаяпти, ўз билим ва маданий савияларини оширишга, дам олишга вақтлари етишмаяпти. Айниқса қишлоқ аёлларининг бу соҳадаги аҳволи оғир. Жамиятнинг асоси бўлган аёллар муаммоларини ҳукумат миқёсида ҳал этиш керак. Менимча, бунда корхоналарда ишловчи аёлларнинг иш кунларини қисқартириш, шаҳар ва қишлоқларда маиший хизматни ҳозирги замон хилларини кенгайтириш, аёлларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш маказларини ташкил этиш керак. Яна бир муҳим масала — бу кўп болали оилалар масаласидир. Ўзим тўрт боланинг онасиман. Ўқитувчи бўлганим туфайли маҳаллий шароитимиздаги кўп болали оилаларда тез-тез бўлиб тураман. Бу суҳбатларда менга аён бўлган муаммолардан келиб чиқиб кўп болали оилаларни ижтимоий жиҳатдан янада кучли қўллаб-қувватлаш керак, деб ўйлайман. Чунки келажаги буюк давлатимизга ҳар томонлама соғлом, теран, билимли фуқаролар керак. Шу боисдан ёш авлодни тарбиялаб ўстириш учун маблағларни аямаслик, барча воситалардан фойдалана билиш лозим. Бунинг учун аввало мактабларда иссиқ нонушталар беришни қайтадан тиклаш, муҳтож оилаларга ёрдам фондини ташкил этиш, болалар учун бериладиган нафақалар миқдорини ошириш зарур.

М. РАҲМОНОВ.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ — ФАХРИМИЗ

(Боши 1-бетда).

этишда ягона дастуриламал бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Конституция қабул қилингач, суд ҳокимияти, қонунчилик борасида ҳам кўплаб ўзгаришлар, мукаммал қоидалар киритилганлиги қувонарли ҳолдир.

Суд ҳокимиятига тегишли қонунлар мажмуи жаҳон талабларига жавоб берадиган тарзда тўла ишлаб чиқилди. Бунда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда бошқа давлатларнинг суд тузилиши тажрибасининг энг демократик оқилона жиҳатлари қамраб олинди. Масалан, жаҳон суди амалиёти юқори турувчи судлар томонидан қуйи турувчи судларнинг ташкилий, моддий-техник жиҳатдан ва кадрлар билан таъминланиши каби тажрибани қабул қилмайди, яъни улар ўртасидаги муносабатлар фақатгина процессуал асосда суд ишларини кўриб чиқиш доирасида йўлга қўйилиши лозим. Акс ҳолда, бошқа барча муносабатлар судьяларнинг мустақиллиги йўқолишига, қонуннинг қўпол равишда бузилишига олиб келади. БМТ VIII Гавана конгрессининг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бағишланган Резолюциясида БМТга аъзо бўлган барча мамлакатларга бошқарув вазифаларини одил судловни амалга ошириш вазифасидан ажратиш қатъиян тавсия этилган ва мазкур тамойилга риоя этилмаслиги инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланган.

Республикамиз Конституциясига асосан қонунчиликни такомиллаштириш борасида катта иш олиб борилаётганлигига қарамай, қонунлар тартибга солинишини талаб қилаётган бир қатор йўналишлар ҳам мавжуд. Аҳолига юридик хизмат кўрсатишни янги қонунлар билан тартибга солиш долзарблиги ана шундай йўналишлардан биридир.

Масаланинг муҳимлигидан келиб чиқиб, яқинда ўзининг 70 йиллигини нишонлаган Адлия вазирлиги томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ў малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ташкил қилишга ва адвокатурани ислоҳ қилишга қаратилган. Ушбу лойиҳани тайёрлашда тарихий тажриба билан бир қаторда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бобидаги халқаро амалиёт ҳам ҳисобга олинди. Бу пировард натижада жамият тараққиётининг замонавий талабларига жавоб бера оладиган кучли ва мустақил адвокатура яратилишига олиб келмоғи лозим: мазкур лойиҳани ишлаб чиқишда, шунингдек, мулкчилик шаклларидан қатъи назар фуқароларга ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини тартибга солиш зарурияти ҳам ҳисобга олинди.

15-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Республика учун зарур бўлган яна бир муҳим қонун — бу нотариал тўғрисидаги қонундир. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти, бозор муносабатларининг ривожланиши, хусусийлаштириш ва турли шаклдаги мулкларни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг қабул қилиниши нотариал ишлар ҳажмининг кескин кўпайишига олиб келди.

Юқорида қайд этиб ўтилган қонунларнинг кўпчилиги қабул қилиниб, ҳаётимизга татбиқ этилмоқда. Аммо қонунларни қабул қилишда ва амалиётга татбиқ этишда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиётига доир қонунларни ишлаб чиқишда ҳали етарли амалий тажриба қарор топмаганлиги қийинчилик туғдирмоқда.

Ҳозирги кунда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича бизнинг олдимизда иккита энг муҳим вазифа турибди. Улардан бири, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи жаҳон андозаларига мос келувчи янги қонунларни яратиш ва қабул қилиш бўлса, иккинчиси, амалдаги барча қонунларни Конституцияга мувофиқлаштиришдир. Шу нарса қувончлики, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейин Парламент томонидан қабул қилинган кўпчилик қонунлар асосий Қонуннинг руҳига мос келади.

Ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида қонунларни ва бошқа норматив актларни билиш жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга, усиз қонун устиворлигини таъминлаш мумкин эмас. Турли ҳуқуқ субъектлари, давлат органлари, ташкилотлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг чуқурлашиб бориш даражаси ҳуқуқий масалалар бўйича тўла ахборот билан таъминланишни талаб қилади. Шу туфайли Ўзбекистон Республикасининг ахборотлантириш соҳасидаги давлат сиёсати талабларига жавоб берувчи ягона ҳуқуқий ахборот маркази барпо этилди.

Ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шарти, нафақат янги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш, балки қабул қилинган қонунларнинг ҳақиқатда амалда бўлиши билан боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, қудратли ҳуқуқий давлат қуриш учун мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий онги ва тасаввурларини юксак поғонага кўтариш талаб этилади. Бу жиҳатдан ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни пайтда, Конституция талабларидан келиб чиқиб, ёшларга қонунчилик борасида талай тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, дарслик ва дастурларга ҳам қонун мажмуаларининг киритилганлиги янги Конституциямиз асосида ҳуқуқий давлат қуриш сари ташланган дадил қадамдан далолат.

Бир сўз билан айтганда, айни пайтда Бош қомусимиз — янги Конституция ҳар биримиздан масъулиятни оширишимизни Конституциядаги барча мажмуаларни амалда татбиқ қилишни ёшларимизга ҳозирданоқ пишиқ ва пухта тарзда ўргата боришимизни тақозо этади. Негаки, ана шу қонун келажагимизни яратади, келгуси авлодларни дунё танишга, ўзини, ўзлигини билишга, қадриятлар, маданий меросни авайлаб-асрашга ўргатади, ва ниҳоят, мустаҳкам давлат қуришга, жаҳон айвонида ўзлигини намоён қилишга кафиллик беради.

Алишер МАРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири.

ЮЛДУЗЛАР ЧАРАҚЛАЙДИ

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Миркомил Миршаропов номидаги 123-мактаб педагоглари она тили билан бир қатор а хорижий тилларни ўқитишга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Ўтказилаётган тематик конференциялар, викториналар,шоир ва ёзувчилар ижодига бағишланган адабий кечалар фикримизнинг далилидир. Бундай тадбирлар ўқувчилар дунёқарашини кенгайтиради, уларда дўстлик, ҳамкорлик туйғуларини тарбиялайди. — Мактабдаги барча рус тили кабинетлари замонавий ўқув-техник жиҳозлар билан таъминланган, — дейди рус тили ўқитувчилари метод бирлашма бошлиғи Ольга Петровна Федотовская.

- Ҳар дарсни мазмунан бойитиш, тил ўргатиш соҳасидаги янгиликларни жорий этиш, илғор иш усулларини қўллаш масалалари метод бирлашмамиз йиғилишларида кенг муҳокама қилинади. Ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам ошкора, беғараз айтилади. Ўқувчиларнинг чет тилида эмин-эркин мулоқот қилишига эришиш асосий мақсадимиздир. "Юлдуз чарақлар" ва "Ўзбекистон — ватаним маним" каби кечалар ва бошқа қизиқарли тадбирларда Фарида Ибодова, Заҳро Қорабоева, Турсуной Алиева, Дурдона Ҳошимова каби тажрибали муаллимлар алоҳида фаоллик кўрсатишаётир.

— Рус ва чет тиллари и она тилимиздек катта эътибор ва иштиёқ билан ўрганаяпмиз, — дейди 9-синф ўқувчиси Дилноза Нурмуҳамедова биз билан суҳбатда. — Рус адибларининг бадиий асарларини қизиқиб ўқиймиз. Адабий кечалар мактабимизда мунтазам равишда ўтказиб турилади. Рус тили ўқитувчиларимиз ёрдамида бу тилнинг гўзалликларини яна бир бор кашф этамиз. Кутубхоначи Гулчеҳра опамиз зарур китобларни танлашда бизга яқин маслаҳатчи. Мактабни тугатиб, жаҳон тиллари университетига кириб ўқишга қарор қилганмиз.

З. ТЎЛАГАНОВА.

Суратда: 123-мактабда ўтказилган адабий-бадиий кечадан лавҳа.

С. Мусаев сурати.

Мактабгача тарбия муассасаларида

КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 398-болалар боғчаси шаҳардаги кўзга кўринган мактабгача тарбия муассасаларидан бири. Унга тажрибали педогог Нина Митрофановна Буянова раҳбарлик қилмоқда. Бу ерда 280 нафар ўғилқиз тарбияланмоқда. Улар атрофида 24 тарбиячи ва энага-парвона.

Бир неча йилдирки, мазкур тарбия даргоҳида пулли эстетика маркази фаолият кўрсатаётир. Болалар марказда инглиз тили, саводхонлик ва мусиқа бўйича дастлабки билимларни эгалламоқдалар. ўз касбининг билимдони Г. В. Фоменко, М. М. Королькова, О. Г. Брок ҳамда И. А. Нестеренко сингари мутахассислар марказ ишини юритишмоқда. Айниқса, боғча мусиқа раҳбари Ирина Александрова Нестеренко тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. У эстетик марказдаги эмас, балки барча гуруҳ болаларини серзавқ ва жозибадор мусиқа оламига ошно этмоқда. Яқинда Ирина Москва шаҳрида бўлиб, машҳур мусиқашунос педагог Виноградов услубини ўрганиб қайтди. Эндиликда у шу услуб асосида иш олиб бораётир. У ўтказаётган аэробика ва гимнастика машғулотлари кичкинтойларнинг жони дили. Шунингдек, тиниб-тинчимас мусиқачи жажжиларнинг чолғучилар дастасини ҳам ташкил этди.

Боғча туманнинг рус тилида сўзлашувчи аҳолиси зич яшайдиган қисмида жойлашган. Шунинг учун бу ердаги болаларнинг аксарияти рус тилида сўзлашувчи болалардир. Мудира педогогик жамоа билан маслаҳатлашиб, жами 12 гуруҳнинг ярмини ўзбек гуруҳларига айлантиришга қарор қилди. Рус гуруҳларида ҳам ўзбек тилини ўрганиш ишлари кенг йўлга қўйилди. Бу борада тарбиячилардан Моҳира Тоирова, Дилором Миркомилова, Гўзал Маҳмудовалар ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Тарбия масканида турли миллат фарзандлари бор. Рус, яҳудий, қозоқ, тожик, туркман, немис, корейс ва бошқа кичкинтойлар қаторига покистонлик 3 нафар, америкалик бир ва афғонистонлик 2 нафар болакай ҳам қўшилди.

Боғча жамоасининг иш фаолиятидан ота-оналар хурсанд. Айниқса, тарбиячиларнинг "Соғлом авлод учун" шиори остида олиб бораётган ишлари ғоятда манзур бўлмоқда. Қўли гул ошпазлар пишираётган лазиз таомлар, жисмоний тарбия залида ўтказилаётган спорт машғулотлари, очиқ ҳаводаги ўйинлар кичкинтойлар дилини хушнуд этаётир.

Мудира Н. Буянова катта ҳаёт йўлини босиб ўтган педогог. Ўнлаб шогирдлари унинг сингари яшаш ва ишлашга ҳаракат қилаётирлар. У соғлом авлодни тарбиялаш йўлида ташкил этилган туман миқёсидаги методик бирлашмага раҳбар. Бошқа боғчалардан ҳам мутахассислар келиб, бирлашмада ўзаро тажриба, фикр алмашадилар. Шу билан биргаликда боғча иши билан яқиндан танишадилар.

Боғча жамоаси кўплаб қизиқарли ташкилий-тадбирий ишлар ўтказаяпти. "Ярмарка карусели" деб аталган ўйин тарзидаги томоша шулар сирасидандир. Бунда кичкинтойлар ўз миллий либосларини кийиб "Карусель" тарзида ўйин ўйнайдилар, миллий қўшиқлар, шеърлар ва рақслар ижро этадилар.

Бу тадбир болажонларга манзур бўлиши билан биргаликда уларни дўстона, аҳил яшашга ўргатмоқда.

Айни кунда улар давлатимиз қомуси бўлган Конституция қабул қилинган кунни қизғин нишонламоқдалар. Тарбиячилар ҳар бир гуруҳда мустақил Ўзбекистон Республикаси, унинг Конституцияси, герби ва байроғи хусусида жажжиларга тушунча беришяпти.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси бош Қомуси — Конституциямиз қабул қилинган кунга ҳам икки йил тўлди. Шуниси диққатга сазоворки, янги Конституция ўзининг устиворлиги, инсон ҳақ-ҳуқуқини тўла равишда ҳимоя қилиши ва барча мажмуаларининг ана шу йўналишга қаратилганлиги билан собиқ Иттифоқ Конституциясидан тубдан фарқ қилади.

Янги Конституция жумладан таълим жабҳаларини мукаммаллаштиришга, талаба, ўқитувчи ва зиёлилар, умуман, барча тоифадаги илмга ташна қалблар учун ҳам имкониятлар яратиб берди. Баҳодир Эшев, Тошкент давлат университети тарих факультетининг аспиранти:

— Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва халқ ҳокимиятининг тантанасига эришиш ҳар бир жамиятнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ана шу маънода Ўзбекистон Республикасининг ўз Конституциясига эга бўлганлиги, халқимизнинг азалий орзу-истакларидан бири бўлиб, ўз навбатида зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Маълумки, собиқ Иттифоқ Конституцияси мажмуаларида тарихий ёдгорликлар, халқ санъати хусусида мукаммал бир нарсанинг йўқлиги туфайли, асрлар давомида халқимиз кўз қорачиғидай асраб келган маданий ёдгорликларимиз йўқ қилинди, ёшларга ўргатилмади.

Конституциямизнинг 49-бандида "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдир", — дейилган. Икки йилдирки, қонунда белгиланган ана шу бандинг натижаси амалда татбиқ этилиб, ўз самарасини бераяпти. Айни пайтда мактаб ўқувчисидан тортиб, олий ўқув юртлари талабаларигача ўтмиш меросимиз хусусидаги тарих битикларидан баҳраманд бўлаяптилар.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллигимиз туфайли биз шундай кунларга эришдик. Конституциядаги бу бўлим эса маънавият ва ёдгорликларимизни келгуси авлодга тўла-тўкис етказишимизга кафолат десам, хато бўлмайди.

Акмал Чориев, Тошкент давлат Аграр университети талабаси:

— Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга..." деган жумлалар бор. Мен қўшни Қирғизистон Республикасидан келиб таълим олаяпман. Қонунда белгиланганидек, шарт-шароитлар яратилганидан миннатдорман. Айни пайтда биз яшаб турган республикада ҳуқуқий давлат қуриш йўлида қизғин ишлар олиб борилмоқда, ўтилаётган фанлар, дарс сабоқларининг ана шу йўналишга қаратилганлиги, мутахассисликни эгаллаш билан бирга, ҳуқуқ сабоқларини ўрганишимизга ҳам кенг йўл очиб бераяпти.

Шойим Худойбердиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, 82 ёшли нафақахўр.

— Маориф соҳасида 50 йилга яқин меҳнат қилдим. Лекин мустақиллик берган неъматлар ўтмишда бўлмаган. Конституциямиз қабул қилинган кун — миллий тўйимиз арафасида мамнуният билан шуни айтиш мумкинки, ёшларнинг илм олишига, вояга етмаганлар, нафақахўрларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя этилиши илгарилари ҳеч бир қонунда белгиланмаган эди.

Конституциямиз куни муносабати билан биз нафақахўр педагоглар жойларда мактаблар, ҳунар-техника билим юртларида бўлиб, илм масканларида олиб борилаётган ишлар, ёшларнинг Конституция ҳусусидаги қарашлари билан танишдик. Қисқа даврдаги сабоқлар ўз натижасини кўрсатибди. Фарзандларимизга берилаётган сабоқлар ҳам бевосита ҳуқуқий давлат қуришимизга бир омил бўлаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Хулоса қилиб айтганда, энди авлодларимиз ана шу Конституция сабоқлари асосида дунё танийди, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашади, Ватанни ҳимоя қила олади. Барча педагоглар аҳлини кекса муаллим сифатида Қомус туғилган кун — Конституция куни билан табриклайман, уларнинг заҳматли ишларида доимо қонунларимиз ёр бўлсин, дейман!

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ КОНЦЕПЦИЯСИ

Олий ва ўрта махсус таълим тизими савиясини жаҳон андозалари даражасига етказиш, халқ хўжалигида мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжни илмий таҳлил асосида аниқлаш, хорижий мамлакатлар тажрибасидан оқилона фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларидандир.

И. КАРИМОВ.

1. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимиз янги жамият қуриш даврига қадам қўйди. Республикамиз Президенти ишлаб чиққан беш тамойил асосида ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига ўтиш амалга оширилмоқда.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришларга халқимизнинг эркка, мустақиллик ҳамда билимга бўлган азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш йўлидаги азму қарори муҳим омил бўлмоқда. Республикамиз халкининг турмуш тарзи, ўзига хос хусусиятлари, анъаналари, бой тарихий ва маънавий мероси ҳисобга олинган ҳолда мустақиллик ва тараққиётнинг ўзига хос йўли танлаб олинди. Бу йўл, жаҳон тажрибаси ҳамда тараққий этган мамлакатлардаги ижобий ҳодисалар ҳам ҳисобга олинган ҳолда танланган.

Инсоният тараққиётининг барча босқичларида билим, дунёқарашнинг кенглиги, инсоннинг ижодий қобилияти ва истеъдоди асосий бойлик ҳисобланган. Бу бойликни янада кўпайтириш, оммалаштириш ҳамда ундан фойдаланиш юксак сифатли таълим бериш, жумладан, олий таълим бериш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг мақсад ва вазифалари республикамизнинг давлат мустақиллигини, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини, халқ фаровонлигини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлашга қаратилмоғи лозим.

Бундай шароитда ижодий салоҳият, янгича фикрлай олиш, юксак руҳий қатъият, зарур бўлган тақдирда ҳатто касбини ўзгартира оладиган даражадаги эпчиллик ва сафарбарлик сингари ноёб сифатларга эга бўлган янги турдаги мутахассисларни тайёрлаш энг муҳим вазифага айланади.

Мутахассис малакаси — чуқур умумий билим, кенг дунёқараш ва касб тайёргарлиги, компьютер бўйича саводхонлик, ўз билимини тезлик билан янгилаш ва тўлдира олиш қобилияти сингари омиллардан ташкил топади. Мутахассис ўз фаолияти соҳасидан қатъий назар, иқтисодий тафаккурга, ижодий жамоаларда ишлай олиш қобилиятига, менежмент ва маркетинг соҳаларида тайёргарликка эга бўлиши, янги технологияларни жорий этишнинг хўжалик, ижтимоий ва маданий жиҳатларини аниқ тасаввур қила олиши керак. Шулар қаторида унда интизом, масъулият, зиёлилик, ўз ишига, мамлакати мустақиллигига, инсон, ватан ва жаҳон тараққиёти йўлида эзгулик ва адолатга садоқат туйғуларини ҳам тарбиялаш зарур.

Олий ўқув юртларида таълим беришни шундай йўлга қўйиш лозимки, талаба таълимнинг дастлабки йилларида илмнинг — математика, табиий, гуманитар фанларни, ҳатто санъатни қўшган ҳолда — бутун уфқини қамраб олиши, ана шундан кейингина муайян бир касбни эгаллаши керак.

Буларнинг барчаси маълумотлилик тушунчасини кескин ўзгартиради. Энди маълумотлилик тушунчаси маълум билимлар йиғиндиси билан эмас, бу билимларни кидириш ва улардан фойдаланиш методологияси, маълум даражадаги ахборот маданияти билан аниқланади.

2. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Илгари амалда бўлган марказлаштирилган тизимнинг барча ижобий ва салбий хусусиятлари Ўзбекистон Республикасидаги олий таълимга ҳам хос эди.

Салбий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

— соҳа мутахассисликлари ва ихтисосларининг қатъий тартиби;

— "ўртача" талабага мўлжалланган ўқув дастури;

— талабага унга таълим ва тарбия беришнинг мустақил бўлмаган объекти, деб қараладиган ўқитиш усулининг устунлиги;

— олий ўқув юртлари илмий фаолиятининг етарли даражада самарадор эмаслиги;

— қатъий режалаштириш ҳамда ўқитувчилар фаолиятининг барча тури устидан назорат;

— таълим мазмунининг ақидавий тафаккурлашга олиб келадиган даражада мафкуралаштирилиши;

— олий таълимнинг университет таълимини заифлаштирадиган даражада соҳаларга бўлиб ривожлантирилиши.

Олий таълим тизими мукаммал эмаслигининг сабабларидан яна бири — олий ўқув юртларининг соҳасига қараб вазирлик ва идораларга бўйсундирилиши ҳам эди.

Олий ўқув юртлари моддий-техник асосининг заиф ривожланганлиги, профессор-ўқитувчилар сафининг айрим қисми етарли даражада малакага эга эмаслиги, талабаларни тайёрлаш сифати бўйича ривожланган мамлакатлардан орқада қолганлиги, аҳолининг умумий сонига қараганда талабалар сонининг камлиги, халқ хўжалигининг устувор соҳалари (энергетика, кон қазиш, кимё-технология, қайта ишлаш ва бошқа соҳалар), бозор учун анъанавий бўлган касблар (иқтисодиёт, ҳуқуқ, хорижий тиллар ва бошқалар) бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳиссасинин камлиги Ўзбекистон Республикасида олий мактаб ишининг даражасини белгилайдиган энг муҳим кўрсаткичлар сирасига киради.

Талабаларни беш-олти йил ўқитиш ва тор ихтисосли мутахассислар етиштиришга қаратилган бир босқичли олий ўқув тизими сақлаб қолинган тақдирда мустақил Ўзбекистон ўзининг кадр салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашдек мураккаб ва муҳим масалани ҳал этишда жиддий қийинчиликларга дуч келаверади.

3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИЙ МАКТАБНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

КЎП БОСҚИЧЛИ ОЛИЙ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

1. Олий таълим тизими республикадаги бутун ягона кўп босқичли таълим тизимининг ажралмас қисми бўлиши керак. У таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини, таълим босқичларини изчиллик билан босиб ўтиш имкониятини ҳамда халқаро амалиёт ва таълимнинг давлат стандартлари талабларига жавоб бера оладиган умумтаълим-профессионал дастурларни ўзлаштиришни таъминлаши лозим. Шу билан бирга республиканинг бутун таълим тизими ҳамда бу тизимга кирадиган олий профессионал таълим тизими шахс ва жамиятнинг турли-туман умумтаълим эҳтиёжларини қондиришга, билимнинг аҳамият ва эътиборини оширишга хизмат қилиши, шунингдек, иқтисодиёт эҳтиёжлари ўзгариб турган бир шароитда мустаҳкам умумтаълим, умуммаданий, профессионал ва илмий пойдевор асосида мутахассис тарбиялаш негизида шахснинг ижтимоий муҳофазасини, улар оладиган билимнинг чуқур бўлишини таъминлаши зарур.

2. Республика олий мактаби жаҳон таълим тизимига жипслашиши (интеграция) ҳамда шу муносабат билан таълимнинг халқаро стандарт таснифи () ва касбнинг халқаро стандарт таснифи ()га тўла мос келиши керак.

Бундай жипслашувга эришмоқ учун республикада ўрнатилган олий таълим тайёргарлиги мутахассисликларининг барча йўналишлари рўйхатини жаҳоннинг илгор мамлакатлари тажрибаси ва халқаро стандартларга мувофиклаштириш зарур. Бу — юксак таълим сифатинигина эмас, олий маълумот ҳақидаги ҳужжатлар ҳамда таълимнинг турли босқичларида берилган илмий даража ва малакалар бошқа мамлакатларда тан олинишини ҳам таъминлайди.

Шуларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасида олий профессионал таълимнинг қуйидаги уч босқичини жорий этиш лозим:

— тўлиқсиз олий маълумот (кичик мутахассис малакаси ва дипломи берилади);

— базавий олий маълумот (бакалавр даражаси ва дипломи берилади);

— тўла олий маълумот (дипломли мутахассис ёки магистр малакаси ҳамда тегишли диплом берилади).

Тўлиқсиз олий маълумот даражасининг ҳаётга татбиқ этилиши, энг аввало, ҳозирги замон саноатидаги жуда кўп вазифаларга олий маълумот талаб қилинмаслиги, умумий ўрта таълим негизидаги ўрта техник маълумот эса, етарли даражада эмаслиги тақозосидир. Бундай вазифаларга мисол учун, бригадирлар, усталар, участка, цех, бўлим ҳамда бир қанча қўшимча хизматлар бошлиқлари вазифаси киради.

Кичик мутахассислар олий ўқув юрти тизимига кирувчи коллежларда тайёрланиши керак. Коллеж талабалари дастлабки икки йил мобайнида бакалавриат талабалари учун мўлжалланган дастур бўйича таҳсил олгани учун, бу пайтдаги таълим жараёнида олий ўқув юртининг юксак малакали профессор-ўқитувчилари сафи ҳамда моддий-техник базасидан фойдаланиш зарур. Коллеждаги таҳсилнинг кейинги 1—1,5 йилдан кам бўлмаган даврида талабалар мутахассислик бўйича профессионал малака олади. Бу даврни ҳам асосан улар олий ўқув юрти даргоҳида ўтказади, бу ердаги яхши жиҳозланган ва таъминланган кафедралар, юксак малакали ўқитувчилар хизматидан имкон қадар кўпроқ фойдаланади.

Методик ва иқтисодий жиҳатдан олиб қаралганда, бу, янги мустақил коллежлар ташкил этиш ёки ҳозирги техникумларни коллежга айлантиришдан кўра тўғрироқдир. Чунки бу техникумлардаги фундаментал ва махсус фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларнинг билим даражаси ҳамда моддий-техника базаси олий ўқув юрти даражасига мос келмайди.

Республикамизда олий ўқув юртлари таркибидаги коллежлар тизими кенг ёйилиши лозим. Чунки шу тизим туфайли:

— зарур мутахассислар анча қиска муддатда ва кам харажат қилинган ҳолда тайёрланади;

— тўлиқсиз олий маълумот даражасида мутахассисликка эга бўлган шахс ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини анча олдин бошлайди. Айни пайтда у бакалавр, дипломли мутахассис ёки магистр даражасига етганига қадар олий ўқув юртида таҳсилни давом эттириш имконига эга бўлади;

— коллежнинг дастлабки икки курсида таълим олиш ва фундаментал фанларни ўзлаштиришда юксак қобилиятини намойиш қилган, бу фанлардан аъло баҳолар олган ҳамда махсус синовдан ўтган айрим талабалар таҳсилни тугатиш ва базавий олий маълумот олиш учун бакалавриатнинг учинчи курсига ўтказилиши мумкин;

— базавий олий маълумот олий таълимнинг асосий шакли бўлиб қолиши ҳамда республика олий ўқув юртларида кенг йўналишлар (алоҳида мутахассисликлар бўйича эмас) бўйича амалга оширилиши керак. Йўналишларнинг ҳам бири шу йўналишдаги барча турдош мутахассисликларни қамраб олади;

— умумий ўрта маълумот базасида бакалаврлар тайёрлаш муддати камида тўрт йил қилиб белгиланади;

— базавий олий маълумотга эга бўлган шахслар мазкур йўналиш бўйича бакалавр даражаси ҳамда диплом олади. Бу диплом уларга оддий инженер-техник, ташкилий-иқтисодий, педагогик ва бошқа ишларда ишлаш ҳуқуқини беради;

— зарур имтиҳон синовларидан муваффақиятли ўтган бакалавр таҳсилни давом эттириши, камида 1—1,5 йиллик дипломли мутахассис курсини ёки икки-уч йиллик магистрлик курсини битириб, ўзи тайёргарлик кўрган йўналиш доирасидаги мутахассислик бўйича олий маълумот ва тегишли диплом олиши мумкин;

— чуқур муайян профессионал билимга эга бўлган дипломли мутахассислар одатда бошқарув, ишлаб чиқариш ва бошқа тузилмаларда (идоралар, корхоналар, корпорациялар ва ҳ. к.) ишлаш учун тайёрлаб чиқарилади;

— магистрал чуқур махсус билимдан ташқари тадқиқотчилик малакасига эга бўлади, магистрлик диссертациясини ҳимоя қилади. Улар асосан илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларида ишлашга мўлжаллаб тайёрлаб чиқарилади.

3. Турли босқичларда таълим олиш муддатлари соҳалар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

4. Кўп босқичли олий таълим тизими ҳар бир шахснинг ўзи истаган даражада олий маълумот олиш, зарур бўлган тақдирда эса, меҳнат бозори талаблари асосида мутахассислигини ўзгартириш ҳуқуқини таъминлайди. Бу тизимдан фойдаланиш, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларига риоя этишни ҳам кафолатлайди. Чунки, у республика иқтисодиётидаги ўзгаришлар ҳамда унинг ривожланиш йўлларини белгилаб берадиган бошқа омилларга мувофиқ тарзда юксак малакали кадрлар тайёрлаш ишини тезлаштиради.

Қиска муддат ичида бакалаврлардан дипломли мутахассислар тайёрланиши давлат органларига бундай мутахассисларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни бир-икки йил олдин аниқлаш ҳамда шу асосда тўла олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш истиқболини белгилаш имконини беради.

5. Кичик мутахассислар ва бакалаврларни тайёрлаш асосан давлат бюджети ҳисобидан молиявий таъминланиши, дипломли мутахассислар ва магистрларни тайёрлаш эса, шартномали тўлов асосида амалга оширилиши керак.

6. Кичик мутахассислар, бакалаврлар, дипломли мутахассислар ва магистрлар тайёрлаш ҳуқуқига давлат аттестациясидан ва рўйхатдан ўтган олий ўқув юртлари эга бўлади.

7. Ўрнатилган тартибда тўлиқ олий маълумотга эга бўлган шахслар зарур тайёргарликдан ўтиб, илмий даража олиш учун диссертация ҳимоя қилиши мумкин.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ МАҚОМИ

Ўқув юртларининг интеллектуал ва моддий-техник салоҳияти билан уларнинг мақоми ўртасидаги мувофиқликни аниқлаш мақсадида республиканинг барча олий ўқув юртлари олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида аттестациядан ва рўйхатдан ўтказилади.

Аттестация ва рўйхатдан ўтиш натижаларига қараб, улар қуйидаги ўқув юртларига ажратилади:

1-тоифа ўқув юртлари — кичик мутахассислар тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган коллежлар;

2-тоифа ўқув юртлари — кичик мутахассислар, бакалаврлар ҳамда тўлиқ олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган институтлар;

3-тоифа ўқув юртлари — кичик мутахассислар, бакалаврлар, дипломли мутахассислар, шунингдек, кенг йўналиш ва мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган университетлар.

ОЛИЙ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Тайёргарлик йўналишлари стандарти ва мутахассисликлар стандарти кўп босқичли олий таълим тизими учун асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

Таълим-таҳсил мазмуни, зарур малака ёки билим олишнинг умумий муддатини махсус таҳсил дастурлари белгилайди.

Халқаро таълим стандартларига мувофиқ, махсус таҳсил дастурлари қуйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

— олий таълим пойдеворини мустаҳкамлаш;

— инженер-техник таълимни ижтимоий асослар билан, ижтимоий таълимни эса, техник асослар билан таъминлаш;

— йўналишидан қатъи назар, олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига бозор иқтисодиёти, информатика, хорижий тиллар, ҳуқуқ асослари дарсларини киритиш;

— профессионал амалиёт, якуний малака ёки маълумот аттестацияси мазмун ва шаклларини такомиллаштириш;

— олий таҳсилнинг у ёки бу босқичида билим, маҳорат ва кўникмалар ҳажми ва даражасига бўлган мажбурий талабларнинг камлиги;

— намунавий давлат махсус таҳсил дастурлари олий ўқув юртларининг етакчи олимларидан ташкил топган махсус комиссиялар томонидан ишлаб чиқилади ва республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида тасдиқланади.

Амалий ўқув режалари фанлар бўйича дастурлар тасдиқланган йўналишлар стандарти ҳамда намунавий махсус таҳсил дастурлари асосида ўқув юртларининг ўзида ишлаб чиқилади.

ОЛИЙ МАКТАБНИНГ ТАЪЛИМ-ТАҲСИЛ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

1. Олий мактабни ривожлантириш ҳамда олий ўқув юртларига қабул қилиш режалари республика иқтисодиёти ва жамият фаолиятининг бошқа соҳаларини ривожлантиришнинг илмий равишда асосланган режалари, уларнинг биринчи галда халқ хўжалигининг ривожланаётган ва устувор соҳаларини таъминлаш ниятида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашдаги эҳтиёжи, кадрлар тайёрлашнинг йўналишлари ва йўналишга кирадиган мутахассисликларнинг янги рўйхати, олий профессионал таълим босқичлари жорий этилиши, олий мактаб фаолияти учун — айникса, бозор муносабатларига ўтиш шароитида зарур барқарорликнинг таъминланиши асосида ишлаб чиқилади.

Олий ўқув юртларининг биринчи курсига талабалар қабул қилиш абитуриентнинг билимига, унинг ижодий қобилияти ҳамда турли йўналишдаги олий ўқув юртларида ўқиш учун зарур бўлган бошқа сифатларига объектив баҳо беришни таъминлайдиган кириш имтиҳонлари (тест синови, ижодий ва йўналиш имтиҳонлари, суҳбат ва бошқалар) орқали амалга оширилиши керак.

Олий ўқув юртларидаги таҳсил кундуз, кечқурун ва сиртдан ўқитиш ҳамда экстерн (бирданига бутун билимни синаш) йўли билан амалга оширилиши мумкин.

2. Олий таълимни ислоҳ қилишнинг умумий йўналишига мувофиқ равишда олий таълим фаолиятининг асосий соҳалари — таҳсил ва илмий тадқиқот соҳаларининг мазмуни, шакли ва усулларида ҳам катта ўзгариш бўлиши лозим. Педагоглар ва таълим олувчиларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини ривожлантириш йўли билан таълим жараёнига муносабатни тубдан ўзгартириш зарур.

Таълим олувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини, замонавий компьютер, аудио ва видеотехника қўлланиладиган илғор педагогик технологияларни ўқув жараёнини ташкил этиш ва усулиятига жорий этиш зарур, билимларни рейтинг асосида баҳолашга собиткадамлик билан ўтиш керак. Билимларни баҳолашнинг бу тартиби талабаларнинг янги билимларни мустақил ўзлаштириши, ижодий изланиши ва тажриба қилиб кўриши билан боғлиқ билиш фаолияти турларидан фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилиши лозим.

Талабалар махсус таҳсил дастурларига мос келадиган мукобил фанларни ўзлари танлаб олиб ўрганишлари мумкин бўлади, бу эса таълимга қизиқишни оширади, билимларнинг кўп қиррали бўлишини таъминлайди ва умумий маданиятни оширади.

Талабаларга таълим ва тарбия бериш жараёнида улар онгидаги боқимандалик психологиясини изчиллик билан сиқиб чиқариш, уларда чуқур билимларнинг устуворлиги ва нуфузлилигини, давлатни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун юксак масъулият ва ғамхўрлик туйғуларини тарбиялаш зарур.

Олий ўқув юртлари ўқув-услубий базасини ривожлантириш ва янгилаш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Янги дарсликлар, ўқув-услубий адабиётлар, вазифалар тўпламлари, тестлар, амалий ва компьютер ўйинлари ҳамда таълим жараёни мазмунининг ўзгаришини ҳисобга олиб бошқа қўлланмаларни яратиш, қайта нашр этиш, таржима қилиш ва амалиётга жорий этиш лозим бўлади.

Талабаларнинг билим олишдаги фаоллигини оширишга, таълим олиш омилларини кучайтиришга таъсир ўтказишнинг иқтисодий шакллари соҳасида таълимнинг бепул шакли билан бир қаторда ўқишга ҳақ тўлаш қоидасини жорий этиш лозим. Бундай ҳақнинг миқдори ўзлаштириш рейтингига боғлиқ бўлади.

Олий ўқув юртлари талабаларига стипендия тўлаш сақланиб қолади. Стипендия миқдорини ҳам ўзлаштириш рейтингига қараб бир мунча табақалаштириш зарур.

Олий ўқув юртлари ишида ўрта махсус ва олий таълим негизида тезлаштирилган дастур бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни кенгайтириш, шунингдек, уларнинг малакасини ошириш кўзда тутилади. Чунки республика иқтисодиёти таркибий жиҳатдан қайта қурилиши натижасида мутахассисларнинг бўшаб қолиши қўламларининг кенгайиши сўзсиз равишда янги ихтисосларга талабнинг ўсишига ва шунга мувофиқ равишда кадрларни қайта тайёрлашга олиб келади.

Тезлаштирилган асосда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, иккинчи мутахассисликни ўргатиш ва экстерн таълим олий ўқув юртларида пуллик бўлади.

Олий ўқув юртларининг илмий тадқиқот фаолияти жиддий равишда такомиллаштиришни талаб қилади. Талабаларнинг энг янги билимларни ўзлаштириш жараёнини чинакамига қайта тиклаш лозим. Шу мақсадда олий ўқув юрти фани фаолиятининг барча соҳаларини ўзгартириш, аввало, уни ўқув жараёни ва ишлаб чиқариш билан ташкилий, технологик, иқтисодий жиҳатдан яқинлаштириш кўзда тутилади.

Илмий-таълимий яқинлашув шакллари ана шу жараён боришининг аниқ шароитларига қараб хилма-хил тусда бўлади. Бироқ бу жараён ҳар қандай шаклда бўланида ҳам, талабалар ва ўқитувчиларнинг мустақил илмий изланишдаги фаоллигини ривожлантириш бу яқинлашувнинг муҳим шарти бўлади.

Бундай яқинлашувни жиддий равишда кучайтириш учун янги маънавий ва моддий омиллар тизимини барпо этиш кўзда тутилади.

Илмий-таълимий жараёнлар бир-бирига яқинлашувининг мавжуд шакллари билан бир қаторда:

— етакчи олий ўқ в юртлари негизида технополислар ва технология парклари;

— олий ўқув юртлари ҳузуридаги кичик корхоналар ва фирмалар;

— бир қанча турдош академик ва ўқув бўлинмаларини ташкилий ва маъмурий жиҳатдан бирлаштириш;

— олий мактаб тизимида республика иқтисодиётининг устувор йўналишлари бўйича давлат таълим-илмий-ишлаб чиқариш марказларини барпо этиш ҳам ривож топиши лозим. Бундай марказларда юқори малакали кадрлар тўпланади, янги ускуналар ва технологиялар, шу жумладан, республикага четдан келтириладиган ускуналар ва технологиялар синаб кўрилади, баҳоланади, шунингдек, улардан фойдаланиш учун мутахассислар тайёрланади.

Илмий-таълимий жараёнларининг бир-бирига яқинлашувининг юқорида санаб ўтилган барча шаклларида иштирок этиши учун олий ўқув юртларининг етакчи олимларигина эмас, шу билан бирга академия ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг етакчи ходимларини, шунингдек, ишлаб чиқариш мутахассисларини ҳам жалб этиш лозим бўлади. Бу эса кадрлар салоҳиятидан, моддий базадан ва воситалардан тағин ҳам самаралироқ фойдаланишни таъминлаши керак.

Илмий маҳсулга муносабатни тубдан ўзгартириш зарур, илмий маҳсулга баҳо беришда унинг тижорат қиймати ҳисобга олиниши керак.

Олий ўқув юртларининг таълим ва илмий тадқиқот фаолияти мазмуни ҳамда усулиятини ўзгартириш профессор-ўқитувчиларнинг сифат даражасини оширишни, шунингдек, уларнинг фаолиятини бойиқ ва ахборот беришдан ҳамкорлик педагогикасига ва талабаларнинг мустақил ўқиб билиб олишига, илмий-тадқиқот ва касб б лан боғлиқ амалий фаолиятига раҳбарлик қилишига, талабаларни ёлгиз идрок этиш жараёнида янги вазифаларни ҳал этишга қаратишга бўриб юборишни талаб қилади.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, олий таълим ислоҳоти бўлажак мутахассислардан бозор муносабатлари механизми юзасидан билимга эга бўлишни, хорижий тилларни билишни, компьютер техникасидан ўз фаолиятида ҳар куни самарали фойдалана билишни талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, олий ўқув юртлари олдига бу фанларни ўтишни замонавий усул асосида тубдан қайта қуриш вазифасининг қўяди.

Таълим технологияси ислоҳоти бу соҳани талабанинг билимга бўлган эҳтиёжи, ўқув жараёнини демократлаштириш ва уни энг иқтидорли талабалар учун индивидуаллаштириш сингари жиҳатларга асосланган ўзи тараққий этадиган тизим даражасига олиб келиши керак.

Ҳар бир олий ўқув юрти ҳар бир аълочи ва иқтидорли талаба билан индивидуал равишда олиб борадиган аниқ дастурга эга бўлиши, бу дастурда туркум маънавий ва моддий рағбатлантириш мажмуи, шунингдек, талабаларнинг қобилиятини юзага чиқариш, уларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодини бирон-бир тўсиқсиз ривожлантириш учун барча шароитлар кўзда тутилмоғи зарур.

ОЛИЙ МАКТАБНИ МИНТАҚАЛАШТИРИШ

Олий мактаб тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири—вилоятлардаги олий ўқув юртларига, хусусан, университетларга ҳар томонлама ёрдам бериш, моддий базани ривожлантириш, илмий-педагогик кадрларни махсус тайёрлаш, юксак малакали профессор ва доцентларни жалб этиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш йўли билан бу билим масканларини минтақаларнинг заковий ва маданий марказига айлантиришдан иборат.

Ҳар бир минтақада васийлик кенгашлари ташкил этиш кўзда тутилади. Бу кенгашларга минтақанинг халқ таълими тизими, бошқа ташкилотлар ва ишлаб чиқариш тузилмаларининг раҳбарлари жалб этилиши лозим. Васийлик кенгашларининг асосий вазифаси иқтидорли болалар ва ўсмирларни қидириб топиш ва танлаш бўйича тадбирларни мувофиклаштириш, уларни олий ўқув юртларида ўқишга тайёрлаш, улар учун олий ўқув юртлари ҳузурида махсус лицейлар очиш заруратини аниқлаш, минтақа халқ хўжалигининг тузилма ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, талабалар ва ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини таъмин этишдан иборат.

Республиканинг етакчи университетлари ҳузурида минтақавий олий ўқув юртларига таълим йўналиши бўйича ёрдам берувчи ўқув-методик марказлар ташкил этилиши лозим.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Олий профессионал таълим, фан ва илмий-техник ютуқлардан амалий фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш дастури:

— ҳорижий таълим ва тадқиқот марказлари билан бевосита ҳамкорликни кенгайтиришни;

— олий ўқув юртларини умумевропа ҳамда бошқа халқаро таълим ва илмий дастурлар билан боғлашни;

— олий мактабнинг халқаро семинарлар, конференциялар, симпозиумлар ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларда кенг иштирок этишини;

— турли таълим, илмий ва ишлаб чиқариш муассасаларида ўқитиш ва ишлатиш учун талабалар, стажёрлар, ўқитувчиларни ўзаро айирбош қилишни кенг йўлга қўйишни;

— республикада олий мактабни ривожлантириш, ўқитувчилар малакасини ошириш, талабаларни ривожланган мамлакатларда ўқитиш учун хорижий жамғармалардан фойдаланишни;

— хорижий таълим муассасалари билан таълим ва илмий масалалар юзасидан мустаҳкам ахборот алоқаларини барпо этишни;

— бозор иқтисодиёти, республика корхона ва муассасалари бозор уносабатларига мослашаётган шароитда хорижий мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш бўйича илғор тажрибасидан фойдаланишни;

— Ўзбекистон олий ўқув юртларида хорижий талабаларни ўқитиш бўйича тўпланган тажрибани сақлаб қолиш ва янада ривожлантиришни;

— хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма олий ўқув юртлари барпо этишни кўзда тутмоғи лозим.

ОЛИЙ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Олий мактабнинг ташкилий-иқтисодий механизми бозор иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган: давлатнинг олий мактаб билан янгича молиявий муносабат шартлари, меҳнат бозорининг ривожланиши, талаба, олий ўқув юрти ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши сингари бир қанча омилларни ҳисобга олмоғи лозим. Олий таълимни молиявий жиҳатдан таъминлаш янгича шароитда сармоя тамойили асосида:

— давлат бюджети;

— кадрларга эҳтиёжи бор корхона ва ташкилотлар маблағи;

— талабаларнинг айрим қисми маблағи (айрим тоифадаги талабаларнинг ўқиш учун тўлайдиган пули);

— олий ўқув юртларининг иқтисодий фаолиятидан тушган даромад;

— банк кредитлари (шу жумладан, шартнома асосида ўқиётган талабаларга берилган узоқ муддатли кредитлар);

— хайрия жамғармалари, турли хўжалик субъектлари, алоҳида шахслар ва бошқаларнинг эҳсони ҳисобидан амалга оширилмоғи лозим.

Олий таълимнинг кўп босқичли тизимини жорий қилиш, вақти келиб кичик мутахассислар ва бакалаврлар республика учун зарур бўлган мутахассисларнинг 70-75 фоизини, дипломли мутахассислар ва магистрлар эса 25-30 фоизини ташкил этишига олиб келиши керак. Бу жараён мутахассислар тайёрлашга давлат бюджетидан қилинадиган харажатни сезиларли даражада камайтиришга ҳам олиб келади.

Олий мактаб учун давлат ажратаётган маблағга қўшимча равишда республика ва хорижий мамлакатлардаги ҳомийлар, корхоналар ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари молиявий ва моддий бойликларини ҳам кенг жалб этиш кўзда тутилади. Бу бойлик ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга пуллик таълим хизмати кўрсатиш, олий маълумот талаб қилмайдиган ихтисослар бўйича қиска муддатда мутахассислар тайёрлаш, репететорлик, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ишбилармонлик, консультация, экспертлик, ноширлик ва бошқа фаолиятлар орқали тушган даромадлардан тўпланади.

Бюджетдан ташқари тушган маблағлар олий ўқув юртларининг илмий ва таълим моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимлар ва талабалар жамоаларининг ижтимоий муҳофазаси учун фойдаланадиган махсус республика ва олий ўқув юртлари жамғармаларини барпо этишга сарфланиши мумкин.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

Олий таълим ислоҳотини, республиканинг бозор муносабатларига ўтаётганини ҳисобга олган ҳолда олий таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар ҳамда олий ўқув юртларидаги зарур бўлмаган тармоқлар, иш ўринларини тугатиш, олий таълимга унинг барча босқичларида раҳбарлик самарадорлигини ошириш учун уларнинг тузилма ва маъмурий аппарати вазифаларини қайта тузиб чиқишни амалга ошириш зарур.

Давлат ҳисобидан таъминланадиган барча олий ўқув юртларини ягона давлат органи ихтиёрига ўтказиш мақсадга мувофиклиги ва бу ишни амалга ошириш имкониятлари масаласини кўриб чиқиш лозим.

Олий ўқув юртлари раҳбар кадрларининг олий мактаб тузилмасини ислоҳ қилишда ҳамда юксак малакали кадрлар тайёрлашда муҳим ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда, яқин орада ҳар бир раҳбарлик тоифаси фаолиятини баҳолаш учун объектив кўрсаткичлар мажмуини ишлаб чиқиш, кейин уларни кадрлар билан мунтазам ишлашга жалб қилиш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш зарур.

Янги шароитда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— халқаро даражага мос келадиган таълим стандартларини ишлаб чиқиш;

— ўқув юртларини мунтазам равишда аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш, давлат реестрини жорий қилиш;

— олий ўқув юртлари жамоаларининг илғор тажрибаларини умумлаштириш ва тарғиб қилиш;

— тизим ҳолатини мунтазам равишда баҳолаб, унинг даражасини халқаро даража билан таққослаб туриш;

— олий ва ўрта махсус таълим ҳолати юзасидан таҳлилий маърузалар, тизимни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдим этиш;

— қонуний ва узоқ муддатли меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

— таълим соҳасидаги тадқиқот ва экспериментал лойиҳаларни амалга ошириш;

— олий ўқув юртларининг халқаро ҳамкорлигини мувофиклаштириш.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари илмий тадқиқот институти ташкил этиш зарур.

Мазкур концепция механизмларини барпо қилиш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқиш ва тегишли давлат органлари тасдиғидан ўтказиш зарур.

***

Олий таълим Концепцияси лойиҳаси Олий таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилди. Йирик олий ўқув юртларида, республикамизнинг тегишли вазирликлари ва идораларида ва барча олий ўқув юртлари ректорлари иштирокида ўтказилган Олий таълим вазирлиги ҳайъати йиғилишида муҳокама қилинди, таклифлар, мунозаралар инобатга олинган ҳолда Лойиҳа махсус комиссия томонидан кўриб чиқилди ва жамоатчилик томонидан кенг муҳокама этиш учун эълон қилинмоқда.

Мазкур Концепция уни амалга ошириш учун хизмат қилувчи ҳуқуқий-мезоний ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқиш учун асос вазифасини ўтайди.

***Лойиҳа юзасидан таклиф ва мунозараларни Концепция эълон қилинган кундан бошлаб 15 кун ичида қуйидаги манзилга — Ўзбек

Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги

ҚОДИРИЙ ВА ҚАРДОШЛАР САТИРАСИ

А. Қодирийнинг 20-йиллардаги сатираси ва тарихий романлари ўзбек адабиёти тарихида ҳақиқий новаторлик намунаси сифатида майдонга келди. Бунда бой классик адабиётимиз ва фольклор тажрибалари, айниқса, миллий ҳажвиётимиз анъаналари билан бирга қардош озарбайжон, татар адабиёти ва матбуоти, айниқса, уларнинг янги реалистик сатираси ва тарихий романлари ҳам муайян даражада аҳамиятга эга бўлди.

Абдулла Қодирий биринчи ўзбек сатирик журнали "Муштум" (1923)да озарбайжон "Мулла Насриддин", татар "Ящин", "Ялт-юлт" сатирик журналларининг бой журналистик тажрибаларини ўрганади, уларнинг сахифаларида босилган ҳажвий ҳикоя, фельетон ва эпиграммаларининг маҳорат намуналаридан ҳам илҳомланади.

А. Қодирий ўз сатираларида асосан Туркистонда мустамлакачилик сарқитлари, жаҳолат ва қолоқлик, маърифат ва маданият душманлари, бюрократизмни аёвсиз фош қилади. Бунда у, айниқса, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги сатира усуллари (айниқса, пичинглари) билан бирга озарбайжон сатириклари М. А. Собир, Ж. Муҳаммад Қулизода, татарлардан Ф. Амирхон, А. Тўқай асарларидаги реалистик тасвир ва кулги усулларидан ҳам озиқланади.

Масалан. Абдулла Қодирийнинг "Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан" новеллаларини олиб кўрайлик. Мазкур новеллалар қурилиши жиҳатидан Боккачонинг "Декамерон", Мазуччонинг "Новеллино", Эразм Роттердамскийнинг "Аҳмоқликнинг мактови" новеллаларидаги қаҳрамон саргузаштларини ўзига сўзлатиш орқали уларни кўрсата бериш усулини эслатса-да, ғоявий-бадиий ўзига хослиги билан улардан бутунлай фарқ қилади. Мазкур асар Маҳзум ҳаётидан олинган новеллалар туркуми бўлиб, уларнинг ҳар бири жаҳолат ва қолоқликка ботган ўзбек руҳонийси ҳаёти ва саргузаштларининг бемаъни, пучлигини ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиришга бўйсундирилган. Ёзувчи асарда Маҳзумнинг ҳаётдаги турли янги ҳодиса ва воқеаларга, янги маърифий-маданий ўзгаришларга муносабатини кўрсатиш орқали унинг руҳий оламидаги тубанликларни, чекланганликларни ва қолоқликларни бўрттириб, қабартириб ёрита боради:

"Эй, боши бўш донолар, эй, қовоқ кийган диндошлар, вой, мусулмони комиллар!

Замона охир бўлди: кўп беҳуда ишлар чиқди. Шарорат пешаларнинг ишлари авж олиб, бизнингдек фақирлар хор бўлди. Кийимлар қисқариб, сочлар узайди; эркаклар хотун, хотунлар эркак қиёфасига кирдилар. Барчадан ақл кетди; ҳамма гумроҳ; борар йўлидан, қилар ишидан адашди; уламоға ҳурмат, ёшларга шафқат, ўғлонларга муҳаббат йўқ! Бас, буларнинг барчаси охир замон аломати бўлмай нима бўлсин?!" (Жулқунбой. "Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан", "Муштум" журнали, 1923 йил, номер 16, 6-бет).

Маҳзум янги маданий мактабларда ўқиётган қизларни ҳам, уларнинг ўқитувчиларнинг ҳам сира-сира ақлига сиғдиролмайди, уларни ўринсиз ғайри ахлоқийликда айблайди ва шулар орқали ўзини тобора кулгули аҳволга қолдиради, қолоқлигини, маданиятсизлигини кўрсата боради.

Маҳзумнинг янги замонадаги ўзгаришларга, ундаги янги маориф, маданият, ижтимоий ҳаёт янгиликларига бундай салбий муносабатда бўлаётганининг сабабини ёзувчи кейинроқ унинг қолоқ шароитини, нобоп оилавий тарбия шароитлари тасвири орқали ҳам кўрсатиб беради.

Калвак Маҳзум ёзувчининг шу даврда яратган "Тинч иш" ҳикоясидаги Шариф Охунд ва "диний олим" Мулло Бердига маънавий жиҳатдан анча яқин туради. "Тинч иш" ҳикоясидаги руҳоний тип Шариф Охунд дастлаб мударрисликка сайланмасдан аввал подшо Николай ва мастеровойларни сира ақлига сиғдиролмай уларга душман бўлиб юрса-да, кейинчалик оқ подшо амалдорларидан бирининг уни мударрисликка тайинлагач, ўз шахсий манфаати юзасидан риёкорлик билан император — оқ подшони мақтаб, ундан норози бўлган халққа: "Ўзи мударрисликка сайланмасдан илгари оқ подшога нима учундир, мастеровойлар каби ёвлиқ, душманлик сақлаб юрар эди. Алланарса Мов деган тўра томонидан мударрисликка "указ" берилгач, оқ подшонинг яшамоғига қўл кўтариб, ўзида Николайга бир яхши истак сеза бошлайди. Тўғри келган йигинларда подшолик "нисф нубувват" [пайғамбар наслидан] деганлар. Кофир бўлса ҳам "нубувват", яъни пайғамбарликнинг ярим кучи бор, деб оқ подшони юқори кўтариб (Жулқунбой, "Тинч иш", "Тўзал ёзғичлар" (альманах), 1925, 37—38-бетлар) Туркистонда мустамлака зулмига қарши бўлган ҳар қандай инқилобни ва истиқлол ҳаракатларига қарши боради.

А. Қодирий "Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан", "Тинч иш" ва бошқа ҳикоя ҳам фельетонларида Туркистондаги қолоқ ва жоҳил руҳонийларни тасвирлар экан, ёзувчи бу типларни яратишда Навоий, Муқимий сингари миллий адабиётимиз намоёндалари сатирик мероси ва фольклоримиздаги бой пичинглар, тасвирлар билан бирга Ж. Муҳаммадқулизоданинг "Рейнгартнинг саёҳат китобидан", "Донобош қишлоғининг аҳволлари", "Ҳайитрамозон", Ф. Амирхоннинг "Фатхулла ҳазрат", О. Иброҳимовнинг "Заки шогирднинг мадрасадан ҳайдалиши" ва бошқа сатирик асарлар билан ҳам яхши таниш бўлганлиги сезилади.

Масалан, Калвак Маҳзумнинг бефаҳмлиги, савод бобидаги фаросатсизлиги, мадрасада талабалар билан уришиб, кулгили аҳволда қолишлари, ахлоқсизликлари, О. Иброҳимов асаридаги Заки шогирднинг мадрасадаги дастлабки ножўя хаттиҳаракатлари, ахлоқсизликлари, савод бобидаги қалтафаҳмликларига баъзи жиҳатлари билан оҳангдош бўлса, Калвакнинг Туркистон халқлари ижтимоий-маданий ва маърифий ҳаётидаги янги ўзгаришларни сира ақлга сиғдиролмаслиги, қироатхоналарда бирга ишлаётган йигит ва қизларни ахлоқсизликда айблашлари Ф. Амирхоннинг "Фатхулла ҳазрат" қиссасидаги XX аср бошларида татар халқининг янги маърифий-маданий уйғониш даврини кўриб, довдираб қолган қадимги (эски) мусулмон-татар руҳонийси Фатхулла ҳазратнинг кулгили аҳволи, хатти-ҳаракатларига муайян даражада якин туради. Уларнинг ҳар иккисида ҳам воқеаларни композиция жиҳатидан уюштириш, қаҳрамонларнинг воқеа-ҳодисаларга кулгили муносабатларини бериш, сўзлашувдаги пичинг оҳанги жиҳатдан ҳам муайян умумийлик ва муштаракликка эгадир. Шу билан бирга Фатхулла ҳазрат ҳам, Заки шогирд ҳам Калвак Маҳзумдан тамомила фарқи ўлароқ, ички Россиядаги мусулмон руҳонийларининг конкрет хатти-ҳаракатлари, характерли хусусиятларини ифодалайди. Айниқса, Фатхулла ҳазратнинг хотин-қизлар, кутубхона ва янги замон ҳодисаларига муносабатлари ўқувчида кулги уйғотади. Уни айниқса аёлларнинг сочидан судраб ориш савоблиги ҳақидаги сафсаталари, кутубхонадаги китобларни кофир, жадид китоблари бўлса керак, деб у ердан "фол китоб"ини сўраши ўқувчининг кулгусига сабаб бўлади.

Абдулла Қодирийнинг 1923—1927 йиллар "Муштум" сахифаларида босилган "Биз ким ва нималардан қўрқамиз?", "Нима қаёққа кетади?, "Билдиришлар", "Олти йиллик базм", "Бир йил", "Муштум" журналига, "Қавоидул умаро" каби фельетон ва шеърий пародияларида, айниқса, А. Тўқай сатирасининг таъсири очиқ сезилади.

А. Тўқай XX аср бошларида татарларнинг биринчи сатирик журналлари "Ўқлар" (1906), "Яшин" (1908), "Ялт-юлт" (1910)нинг фаол ташкилотчиси ва асосий ёзувчиларидан бири бўлган. Айниқса, "Яшин"нинг ғоявий мақсад ва йўналишларини белгилашда етакчилик ролини ўйнаган эди. Унинг сахифаларида Тўқай чор амалдорларининг бош-бошдоқликлари, деспотизми, уларнинг маҳаллий халқларга кўрсатган мустамлакачилик зулм ва ситамлари, баъзи бир татар бойлари ва руҳонийларининг сотқинлик ва риёкорликлари; уларнинг татар халқи маърифати ва маданияти, тараққиётига қилган хиёнатларини аёвсиз фош этиб ташлайди ("Так и сяк", "Давлат думаси", "Мусулмон иттифоқи", "Шартлар", "Текинхўрларга", "Турлича дунё тану", "Қозон мулласи ва бўлажак депутат" (1911), "Дин ва авом" (1912). Бунда у айниқса, "Яшин" журналининг ижтимоий ҳаётдаги иллатларни фош қилишдаги ролига катта баҳо бериб, уни "бутун дунёни қора қайғу булутлари қоплаган чоризм реакцияси йилларида кўз қамаштирадурғон ёруғ нурлари билан оламни ялтиратаётганини мадҳ этиб:

Ялтирар миллий булутларнинг орасида
"Яшин",
Балки раҳмат ёмғиридур, чақнасин,
у чақнасин.
Йўл топар зулматда қолганлар,
таратсин шуъласин,

Тош юраклар ҳам яшин кўргач ўқур "лоҳулласин" (Абдулла Тўқай. Танланган асарлар. Ўздавнашр, Тошкент, 1961, 74-бет) "Яшин" журнали ҳақида (1908), — деб ёзган эди.

Абдулла Қодирий ҳам 20-йилларда Туркистонда биринчи бўлиб ўзбек сатирик матбуоти — "Муштум" (1923)нинг асосчиси ва фельетончиси сифатида майдонга чиқди. Унинг сахифаларида ўтмиш чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати сарқитлари, унинг ҳам Туркистон халқлари тараққиётига душманлиги, айрим қолоқ маҳаллий бойлар ва руҳонийларнинг ҳам ўлкада янги маориф, маданият ривожи йўлидаги тўсиқларини аёвсиз фош этиб ташлайди (масалан, Мачалов" (1922), "Тошкент бойлари", "Бир йил" (1925), "Паст ва баланд дунёда", "Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан (1923-26).

Бундан ташқари, Абдулла Қодирий "Муштум"ни ҳақиқат оловининг учқуни, тескариликнинг, эгриликнинг душмани (Жулқунбой. "Матбуот куни", "Муштум", 1924, номер 2), — дейиши билан ўтмишдошлари Навоий, Муқимий, Абдулла Тўқай, Ж. Муҳаммадқулизода сатирасининг илғор халқчиллик анъаналарини янада ривожлантиради, янги поғонага кўтаради, уларни 20-йиллар ўзбек реалистик сатирасининг янги муҳим ғоявий-эстетик вазифалари билан боғлайди.

Умуман айтганда, А. Қодирийнинг қардош озарбайжон, татар сатирик матбуоти ва адабиёти, айниқса, Ф. Амирхон, Абдулла Тўқай, Ж. Муҳаммадқулизода сатирик меросига муносабати, улар билан алоқасида, шунингдек, умуман сатиранинг ижтимоий ҳаётдаги роль ва аҳамиятларини тушунишда ҳам унинг қардош туркий халқларнинг реалистик адабиёти ва сатираси билан яқинлаштирувчи ва муштарак томонларни кўрамиз.

Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди.

Қутлаймиз!

ДИЛБАР АЁЛ

Дилбар опанинг мақола ва лавҳаларини анчадан буён ўқиб келардим. "Маърифат" жамоасига ишга келганимдан кейин бу камтарин, очиқ чеҳрали аёл билан ёнма-ён хонада ишлаш жараёнида унинг олмос қирраларидай кўп инсоний хислатларини кашф этдим. Дилбар опа таҳририятда барчага баробар. У эшикдан кириб келган жамоатчи мухбирларга имкони барича ширин муомала қилади, таҳририят топшириқларини тезкорлик билан бажаришга ҳаракат қилади. Дилбар Хўжаева чорак асрлик мухбирлик фаолиятида тез гапиргандан кўра, ўйлаб гапирмоқликни афзал кўрди. Шунинг учун ҳам у айрим мухбирларга ўхшаб турли соҳалардан, турли матбуот органлари орқали онда-сонда бўлса-да, соз-создан сўзлади. Феъл-идаги хокисорлик, одамийлик мақолаларида ҳам кўринди. Кўнглидагини баён қилишга чоғланиш ҳаяжони ҳамиша уни таъқиб этиб юрди. Ва газетамиз сахифаларида "Қанча кўп қадрласак, шунча оз", "Яхши ҳамки қайнотам бор эканлар", "Данагидан мағизи ширин", "Шарқона тарбия — бебаҳо хазина" каби материаллари жой олди.

Дилбар опа ахлоқ ва одатга оид қатор материаллари билан ўқувчилар кўнглига йўл топа билди. Маърифатимиз, маънавиятимиз баркамоллигига ҳиссасини қўшди. Меҳнатсеварлиги, интизоми, ўз услубига эга журналистлиги билан жамоамизда ҳурмат қозонди. Ўқувчилар гарчанд унинг катта ҳамждаги очерку лавҳаларини эслашолмаслар-да, лекин дил тортар, тушган кўзни қувнатар, кўнгилга орзумандлик солар чизгиларига ошно бўлганлар, қувончидан қувонганлар, қайғусидан қайғурганлар. Демак, мухбирлик — шарафли, ҳожатбарор касб. Мактаб, маҳалла, оила, жамоатчилик ўртасидаги алоқалар орқали замондошларимизнинг асл қиёфасини чизиб берар экан, уларга интилишларини, изланишларини сингдирмай қолмайди. Бу — ҳақиқатпарварлигида, унинг кучига ишониб ҳалол яшамоқлик-инсонийликнинг бош мавзуси эканлигини таъкидлашидаяқ қол кўзга ташланиб турди. Демак, ижодкор нимаки ёзмасин, қандай ва қай ҳолатда қўлга қалам олмасин, қайсидир кўринишлари билан у ўзини ёзади, ўзлигини кашф этиб боради. Бу ўзликни муборак 50 ёшга кирган кунида газета сахифаларида чоп этилган мақолаларни варақлаб, умр йўлларига назар ташлаб ўзи ҳам яққол англаши мумкин. Ҳаяжон ва ҳайратини, орзумандлигини, иштиёқмандлигини сўз билан, ёзган мақола ва лавҳалари билан ифодалай олганидан хурсанд. Бу хурсандлик нимадир қилиб, нималаргадир улгуриб, ортида ёркин хотиралар қолдирганларгагина насиб қилади. Бу хотирадорлик устозларини эслаганда янада кўнглига ҳаяжон солади. Оқибатли одамлар ҳақида ўйлайди. Ориятли инсонлар бисёр бўлиши ҳақида қайғуради, ёлгизгина қизи Донохонни ҳам "Кўрар кўзим алла-ё, айтар сўзим алла-ё" деб улғайтирган экан, эндиликда унинг қадду камолида ўзининг етишмаган ниятлари амалга ошишини хоҳлайди. Бу ният жамики оналарнинг, опа-сингилларнинг нияти бўлиб, хонадонларга "Бола бошидан", "Ёшлик ғайрати билан", "Тарбия ўчоғи", "Тугиб ташлов билан бўлмас бола" каби мақолалари қанотида кириб боради. Демак, мухбирлик оддий фаолият эмас, унинг ўз сир-синоати бор. Илҳом қанотларида учганингда, болангни кучганингда ҳам, қувонганинг ёки қайғуга тушганингда ҳам одамларга нимадир берасан. Бу — сенинг фарзандинг янглиг олий бахтинг, кўшку тахтинг, қувончингу, ширин ташвишларингдадир. Бундай бахт Сизни тарк этмасин, Дилбар опа!

Умида АБДУАЗИМОВА.

Сирғали туманидаги мактабларарo озиқ-овқат комбинати яқинда хусусийлаштирилиб, "Келажак тонги" номини олди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан вужудга келган қийинчиликларни бартараф этишга қарор қилган комбинат жамоаси кичик корхона очиш йўлини тутди. Корхонага елим ликопчалар ишлаб чиқарадиган ҳамда колбаса тайёрлаш дастгоҳлари ўрнатилди. Эндиликда комбинат аҳли аввалгидек 21-мактаб ўқувчиларига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш билан бирга кичик корхонадан даромад ҳам оляпти.

Суратда: корхонанинг янги маҳсулотлари.

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати.

Барҳаёт анъаналаримиз

Шоҳсупада "Нуржаҳон"

Куз ёмғирларидан зеркан марварид Тошкентнинг сокин кўчалари узра эрта тонгдан таралган карнай-сурнай наволари барчани тантанага чорлади. Байрамона безатилган Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театри биноси кўп ўтмай одамлар билан гавжумлашди. Ҳузурбахш наволарга халқ қўшиқлари, жозибали рақслар уланиб кетди. "Чашма" фольклор жамоаларининг Республика кўрик-танлови шундай кўтаринки руҳда бошланди.

24—26 ноябрь кунлари бўлиб ўтган бу тадбирда барча вилоятлардан таклиф этилган катта ашула ва рақс ижрочилари, фольклор-этнографик дасталар иштирок этдилар. Республика Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Шароф Уснитдинов танловни кириш сўзи билан очди ва барча иштирокчиларга муваффақият тилади.

Танлов жараёнида нуфузли ҳакамлар ҳайъати 14 та фольклор-этнографик дасталарнинг ранг-баранг чиқишларини ҳар жиҳатдан холисона баҳоладилар. Нурота тумани маданият уйи қошидаги "Нуржаҳон" халқ ансамбли танловнинг олий совринини кўлга киритди. Чироқчи тумани "Чироқчи чироқлари" ҳамда Хива тумани "Достон" фольклор-этнографик жамоалари фахрли биринчи ўринни, Сариосиё тумани "Зевари", Ғаллаорол тумани "Таштак", Гулистон тумани "Сайхун йигитлари" фольклор ансамбларига эса иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўринга эса Булунгур тумани "Чавки", Вобкент тумани "Мардона" ва Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани "Жилўа" халқ ансамбллари муносиб деб топилди.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

"Тафаккур" 95 йилда

Муҳтарам газетхон!

Хабарингиз бор, мамлакатимизда янги фикр минбари — "Тафаккур" журнали нашр этила бошлади. Журнал сахифаларида Ватан ва миллат тарихи, миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ижтимоий, фалсафий асосларини ёритувчи мақолалар, инсоний маърифат ва маданиятга оид тушунчалар, тафаккур ва тараққиёт муаммолари кенг шарҳланади. "Тафаккур" — илму зиёга, дунёвий маърифатга интилувчилар журналидир. У бугун ва ўтмиш замонлар тажрибасини, инсон ҳаётидаги зиддият ва қарама-қаршиликларни мудом таҳлил назаридан ўтказиб боради.

Журнал материаллари, айниқса, мактаб ўқитувчиларига тайёр қўлланма ўрнида асқотиши шубҳасиз.

Журнал йил мобайнида тўрт бор чиқади.

Бир йиллик обуна баҳоси 76 сўм.

Нашр кўрсаткичи: 75350

"Тафаккур"га обуна бўлишга шошилинг!

Кўнгил кўзи

БАХТЛИ БЎЛ, СИНГИЛЖОН!

Воқеий ҳикоя

Булутларга ёндош осмон остида
Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз.
Қиличнинг дамидай арқон устида
Кўзларини юмиб юрибди дорбоз.
Одамлар, одамлар, уни олқишланг,
Қаранг, у нақадар эпчил ва ўктам.
Биз-чи, эҳ, баъзи бир кўзи очиқлар
Эплаб юролмаймиз катта йўлда ҳам.

Абдулла ОРИПОВ.

Фарзандларимни олиб пойтахтга айлангани боргандик. Қайтишда автобусга билет олиш учун навбатга турдим. Сал ўтмай, бир хил дипломат кўтарган, бир хил ҳасса ушлаган, чамаси йигирма уч-йигирма тўрт ёшлардаги, жуда бежирим кийинган йигит-қиз келиб касса томон юришди.

Мен уларнинг кўзлари ожиз эканлигини автостанция залига кириб келишганидаёқ билган эдим. Ожиза қиз менга жуда-жуда таниш кўринди. Бундан ўн уч-ўн тўрт йил аввал бўлиб ўтган воқеани эсладим.

... Иссиқ ёз кунлари эди. "Тошкент—Бекобод" йўналишидаги автобуснинг охиргиси автостанциядан тирбанд бўлиб жўнади. Ўринли билети борлар жойларига ўтириб олишган, тик турганлар беҳаловат эдилар.

Ногаҳон уч-тўрт ўриндиқ олдинда, етти-саккиз ёшлар чамасидаги қизчани кўтариб олган, иссиқдан терга пишиб кетган ўрта яшар кишига кўзим тушди-ю, ўзимни ноқулай аҳволда сездим. Олдинги ўриндиқларда мен тенги ёшлар, қиз-жувонлар, йўл узоқлигини баҳона қилишибми, бола кўтарган кишини кўрса-да бемалол ўтиришарди. Ўрнимдан туриб жой бердим. У киши жуда миннатдор бўлиб, бир неча маротаба раҳмат атди.

— Ҳечқиси йўқ, биз ёшмиз, ҳали кўп ўтирамиз, сиз бола билан қийналиб қолманг, — дедим.

Нигоҳим бирдан қизчанинг ўриндиқ суянчиғини қидираётган қўлларига тушди. Ҳа, бу қизчани отаси бекорга авайлаб, кўтариб олмаган экан. Унинг кўзлари ожиз эди.

— Дада, бизга жой берган ким? — қизча отасидан шундай оҳангда сўзларни дона-дона қилиб сўрадики, ҳатто олдинги ўриндиқлардагилар ҳам бийрон сўзларни эшитиб, ҳайрон бўлиб қарашди.

— Бир яхши аканг, — жавоб қилди дадаси.

Қизча яна савол берди:

— Уларнинг исмлари нима экан?

Бу саволга қизчанинг дадаси жавоб бера олмаслиги аниқ эди. Чунки у мени танимайди. Шунинг учун ўзим жавоб қайтара қолдим.

— Ака, сиз Тошкентда ўқийсизми?

— Ҳа, университетда, журналистика факультетида. Ҳозир қишлоққа кетаяпман.

— Биз ҳам уйимизга. Мен Тошкентдаги махсус мактаб-интернатда ўқийман, 2-синфни тугатиб, энди каникулга чиқдим. Исмим Саломат.

— Яхши ўқийсанми?

— Ҳа, спортга, шеър ёдлашга қизиқаман. Яқинда шашка бўйича интернатда конкурс бўлди. Мен иккинчи ўринни эгалладим.

Бўкага келгунимизча ана шундай ҳамсуҳбат бўлиб келдик. Саломат мактаб-интернатларига таклиф қилди. Мен эса сентябрда албатта боришимни айтдим. Кейин йўл толиқтирдими ёки иссиқданми, у ухлаб қолди.

...Ўқув йили бошланган кунларда кичкина совға олиб, Саломат ўқийдиган мактаб-интернатга бордим. Кейин ҳам тез-тез вақт топиб, Саломатнинг олдига бориб турдим. У ҳар сафар мактабдаги янгиликлар, ўртоқлари ҳақида гапирар, ёд олган шеърларидан айтиб берарди. Ўқишни тугатиб, Тошкентдан кетдиму алоқамиз узилиб қолди. Ҳозир эса... Автобус жойидан қўзғалгач, ўша кўзи ожиз қизни қидирдим. У икки ўриндиқ олдинда жойлашибди. Бир оздан сўнг мен болаларимга автобус ойнасидан кўринган жойларни айтиб бера бошладим. Бир маҳал у ўриндан туриб мен томон кела бошлади. Олдимга келгач:

— Кечирасиз, сиз Абдураҳим акамисиз, мен сизни танидим, — деди.

Бу ўша Саломат эди. Мен уни ўтиришга таклиф этдим, кўнмади. Болаларим билан таништирдим, оилам, ишларим ҳақида гапириб бердим.

Саломат ҳозир ҳам Тошкентда экан. Тўртинчи курсни тугатиб каникулга, ишдан эса таътилга чиқибди.

Ёнидаги йигит ҳам бирга ишларкан. Саломат унга кўнгил берибди.

— Ўтган ҳафта биз уларнинг уйларига борган эдик. Бугун бизникига кетаяпмиз. Улардан тўйга розилик олмоқчимиз, — деди Саломат...

Бахтли бўл, сингилжон!

Абдураҳим БОБОНАЗАРОВ.
Бекобод.

"ТАЛАБАЛИК — ОЛТИН ДАВРИМ"

Якинда Яккасарой туманида жойлашган Тўқимачилар саройида Жумҳурият талабалар жамғармаси, Яккасарой тумани Ёшлар Иттифоқи қўмитаси, Низомий номли ТДПИ ректорати ҳамда Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ташаббуси билан "Талабалик — олтин даврим" деб номланган анжуман бўлиб ўтди.

Кечада институтнинг тарбиявий ва ижтимоий масалалар бўйича ректор муовини, доцент Қ. Эргашев сўзга чиқиб, ҳукуматимиз томонидан талабаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида гапирди ва талабаликка сазовор бўлган ёшларни чин юракдан муборакбод этди.

Кечада Жумҳурият талабалар жамғармаси директори Ғ. Ёқубов, психология кафедраси мудири, профессор М. Давлетшин, институт ўқув ишлари бўйича ректор муовини Э. Умрзоқовлар ҳам сўзга чиқиб, талабаларни кутлуг кунлари билан табрикладилар.

Тадбир ниҳоясида иқтидорли талабалар эсдалик совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Дилрабо куй ва қўшиқлар йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

Умида ҚАЮМОВА,
ТДПИ мактабгача тарбия педагогика кафедраси ўқитувчиси.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими, туман касаба уюшмаси ҳамда 157-ўрта мактаб жамоаси шу мактабнинг раҳбари **Каромат ҲОШИМОВА** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти маъмурияти, касаба уюшмаси ва жамоаси институтнинг илмий ходими **Шовкат ҚОСИМОВ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Маданият" илмий ишлар чиқариш савдо-тижорат маркази еълонлари. Даъволар эълон чиққандан сўнг бир ой давомида қабул қилинади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой Матқурбонов, Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1294. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6